БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 20 март
Сешанба
№ 54 (13.490).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Агросаноат комплекси меҳнатчиларининг катта гурунги

Ўзбекистон агросаноат комплекси ходимларининг анъанавий республика қурултойи қатнашчилари республика халқ хўжалигининг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар. Қурултой 19 март куни Тошкентда бўлиб ўтди. Унда ишлаб чиқариш илғорлари, олимлар, мутахассислар, партия ва совет ходимлари қатнашдилар.

Қурултойни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. М. Мирқосимов доклад қилди.

Музокараларда Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси М. Рўзматов, Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетининг раиси С. Ержонов, Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоз сабзавоткорлик бригадасининг бошлиғи А. Бердиев, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Б. Алламуродов, Сирдарё районидаги «Коммунизм» колхозининг сут соғувчиси Л. Маслова, Фарғона область Қува районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси М. Шербўтаев, Андижон область ижроия комитетининг раиси Б. Болтабоев, Бухоро областидаги «Нарпай» совхозининг директори Х. Зайниев, Дўстлик район агросаноат иттифоқининг раиси Х. Холбеков, Хоразм область Хонқа районидаги «Хоразм» колхозининг механизатори А. Сотимов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом, Қўқон ўрмон хўжалигининг директори М. Хўжаев, Сурхондарё областидаги «Бойсун» совхозининг чўпони Р. Тошбоев, «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Карлов, Қашқадарё область Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхоз бригадири А. Бердиев қатнашдилар.

Қурултойда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Қурултой қатнашчилари республиканинг барча меҳнаткашларига Мурожаатнома қабул қилдилар.



Ўзбекистон деҳқончилик саноати илғорларининг қурултойида.

Суратқаш Е. БОТИРОВ.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1990 йил 16 мартдаги қарори

КПСС XXVIII съездини чақириш, партияда ҳисобот-сайлов кампаниясининг ўтказиш муддатлари, вакиллик нормаси ва съезд делегатларини сайлаш тартиби тўғрисида

1. КПСС Марказий Комитети 1989 йил сентябрь Пленумининг қарорлари ўзгартирилиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVIII съезди 1990 йил 2 июлда Москва шаҳрида Кремлнинг Съездлар саройида чақирилсин.

2. Съезд муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

1) Қайта қуришнинг бориши ва партиянинг вазифалари тўғрисида. КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи. Докладчи — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев.

2) КПСС Марказий тафтиш комиссиясининг ҳисоботи. Докладчи — КПСС Марказий тафтиш комиссияси раисининг ўринбосари ўртоқ А. А. Низовцева.

3) КПССнинг «Инсонпарвар демократик социализм сари» ҳаракат дастури тўғрисида.

4) КПССнинг Устави ҳақида.

5) КПСС Марказий назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом ҳақида.

6) Партиянинг марказий органларини сайлаш.

КПСС Ҳаракат дастури ва Устави билан боғлиқ масалалар биринчи масала юзасидан қилинган докладда баён этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

3. КПСС XXVIII съездига вакиллик нормаси партиянинг 4 минг аъзосидан бир делегат қилиб белгилансин.

4. КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш кенг демократик асосда, мусобақалашув ва муқобиллик вазиятида, барча коммунистларнинг бевосита иштирокида ўтказилиши зарур, деб ҳисоблансин.

КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш тартиби тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия қурилиши ва кадрлар сиёсати масалалари комиссияси томонидан партия ташкилотларининг, коммунистлар ва партиясизларнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилган таклифлар қабул этилсин (илова қилинади).

Қабул этилган тартибга мувофиқ сайланган делегатларнинг рўйхатларини область ва ўлка партия конференциялари, иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездлари, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон ва Қозоғистон Компартияларида — область партия конференциялари, Москва шаҳрида — КПСС район конференциялари расмийлаштириб, КПСС XXVIII съездига тақдим этадилар.

Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, ички ва чегара қўшинлари партия ташкилотлари ҳисобида турувчи коммунистлар КПСС XXVIII съездига делегатларни тегишли қўшилмалар, қўшин турлари ва Қуролли Кучлар турлари партия конференцияларида сайлайдилар.

Чет эллардаги совет муассасалари партия ташкилотлари ҳисобида турувчи коммунистлар КПСС XXVIII съездига делегатларни Москва шаҳрида ўтказиладиган ўз партия конференцияларида сайлайдилар.

5. Партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказиш тартиби ва муддатларини иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, РСФСРдаги КПСС ўлка, область комитетлари белгилайдилар.

Шаҳар (район партия структурасига эга бўлган шаҳарларда), округ, область, ўлка партия конференцияларига, иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларига делегатлар сайлаш тартибини тегишли партия комитетларининг пленумлари белгилайдилар. Конференция ва съездларга делегатлар сайлаш ва партия органларини тузиш давомида ушбу қарорда КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш учун белгиланган ёндашувлардан ва КПСС янги Устави лойиҳасининг қоидаларидан фойдаланиш тавсия этилсин.

6. Конференция ва съездларга делегатлар сайловини, шунингдек раҳбар партия органларига сайловни демократиялаш мақсадида қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Бошқа номзодларга нисбатан энг кўп овоз олган, аммо йиғилишда қатнашган КПСС аъзолари, конференция, съезд делегатлари, партия комитети аъзолари ёки сайлаб қўйилган бошқа орган аъзолари овозларининг ярмидан кўпини олган номзодлар сайланган ҳисобланади;

Тегишли партия ташкилоти ёки Компартиянинг олий органи бўлмиш партия йиғилиши, конференция, съезд партия комитетининг биринчи секретари (партия комитетининг секретари)ни ёки сайлаб қўйиладиган бошқа шахсни йиғилиш, конференция ёки съезднинг бутун составн билан сайлаш тўғрисидаги масалани ҳал этишга ҳақлидир. Айни вақтда сайлаб қўйиладиган муайян шахсни келгусида алмаштириш тартиби белгиланади.

КПССнинг янги Устави қабул этилгунга қадар шу қоидаларга амал қилинсин.

7. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида, конференцияларида, съездларида партия ташкилотларидаги ишларнинг аҳволи, партиявий ишни тубдан яхшилаш тадбирлари чуқур ва атрофлича кўриб чиқилсин, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури, КПСС Устави лойиҳалари муҳокама қилинсин. Ҳисобот ва сайловлар, партия съездига бутун тайёргарлик ишлари коммунистларнинг ҳар хил нуқтаи назарларини аниқлаш имконини бериши, улар ҳар қандай фикрга, озчиликнинг ўз позициясини билдириш ҳуқуқига ҳурмат билан қараш руҳида ўтказилиши муҳимдир. Йиғилишлар, конференциялар ва съездларнинг амалий тусда ўтишини, партиянинг жамиятдаги роли ва фаолиятининг, партия ички турмушини демократиялашнинг туб масалаларига, партиялилар оммаси ҳокимиятини қарор топтиришга оид таклифлар коллектив бўлиб ишлаб чиқилишини таъминлаш зарур.

КПСС XXVIII съездига тайёргарлик ишлари коммунистларни ғоявий ва ташкилий жиҳатдан жипслаштиришга, ҳар бир партия ташкилотининг иш қобилиятини оширишга, КПССнинг жамиятдаги пешқадамлик ролини мустаҳкамлашга, қайта қуришни чуқурлаштириш вазифаларини ҳал этишда партиянинг фаолиятини кучайтиришга кўмаклашмоғи лозим.

Қайта қуриш ишига садоқатли, партия ташкилотларининг мададига сазовор бўлган, партиявий-сиёсий усулларни эгаллаб олган коммунистлар орасидан янги, навқирон кучларни партиявий ишга жалб қилишга, КПССни янгилашга партия XXVIII съезди қарорлари асосида таъсирчан тус бера оладиган кишиларни партиядаги раҳбарлик лавозимларига кўтаришга алоҳида эътибор берилиши лозим.

8. Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг йўл-йўриқларига биноан, бўлғуси партия съездларида ва конференцияларида ягона назорат-тафтиш комиссиялари сайланиши мумкин. Назорат-тафтиш комиссиялари КПСС XXVIII съездигача ўз амалий ишида КПСС Марказий Комитети тасдиқлаган муваққат низомга амал қилишлари мумкин («Известия ЦК КПСС», 1-сон, 1989 йил).

9. Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросига КПСС XXVIII съездига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган ишларни КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзолигига номзодларни, жойлардаги партия фаолларини кенг жалб қилиб, ошкора ва рўй-рост ўтказиш топширилсин. Съездга сайланган делегатлар орасидан КПСС съездига асосий ҳужжатлар ва қарорларни ишлаб чиқадиган комиссиялар (группалар) тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Жумҳурият янгиликлари

ҚЎҚОН пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида янги тикувчилик конвейери ишга туширилди. Бу ерда аёлларнинг куз-баҳор мавсумларида кийиладиган этиклари ишлаб чиқарила бошланди. Улар ўзининг сифатига кўра чет элда чиқариладиган энг яхши этиклардан қолишмайди. Пойабзалчиларга ускуналарни Ғарбий Германиянинг «Пфафф» фирмаси етказиб берди. Республика савдо тармоғига ҳозирнинг ўзидаёқ шу этикларнинг дастлабки туркуми — 14 минг жуфт камёб маҳсулот жўнатилди.

* * *

УЙ қуриш осонми? Бу саволга Чирчиқдаги 160-қурилиш трести ва пойабзал фабрикасининг меҳнаткашлари жавоб беришди. Ишлаб топилган даромадларини бирлаштириб, улар улушбай асосида кўп қаватли янги уй қурдилар. Бу ерга шу корхоналарнинг 60 нафар меҳнатчиси кўчиб кирди. Хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтилганлиги бу коллективлар учун социал масалаларни ҳал этишда катта имкониятлар яратиб берди. Бу ерда уй-жой программасини 1995 йилда бажариш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

Аввало муҳим ишлар ҳақида

ТАССНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИ КРЕМЛДАН ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Тартибни, аввало ўзимиздан бошлашимиз керак. СССР Олий Совети учинчи сессиясининг 19 март куни бўлиб ўтган Палаталарнинг қўшма мажлиси муқаддимасини шундай таърифлаш мумкин. Мажлисга раислик қилувчи А. И. Лукьянов рўйхатга олиш якунларига баҳо берар экан, ҳаққоний тарзда палаталарнинг идораларидан мажлисга келмаган депутатларни қаттиқ ҳисобга олишни ҳамда бунинг сабабларини аниқлашни талаб қилди. Мажлисга етарли даражада депутатлар тўпланганлиги сабабли у очиқ деб эълон қилинади.

СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари Съезди натижаларини ҳисобга олиб, сессия ишининг тартиби муҳокама қилинди. Палаталарнинг Раислари сессия иш тартибининг йўналишларини тақдим этишди.

Иттифоқ Советининг Раиси Е. М. Примаков Қонун лойиҳаларини муҳокама қилишга афзаллик берилишини зарур, деб ҳисоблади. У аввало қуйидаги учта масала: биринчиси — янги иттифоқ шартномаси ва СССР таркибидан республикаларнинг чиқиш омиллари тўғрисидаги, иккинчиси — корхоналар ва аҳолига солиқ солиш тўғрисидаги, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалик юритишнинг умумий асослари ҳамда социалистик лойиҳаларини, мамлакатда хавфсизликни ва тартибни таъминлашга тааллуқли учинчи группа қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш лозимлигини айтди.

Бундан ташқари Чернобиль масаласини кўриб чиқиш муддатини яқинлаштириш таклиф қилинди.

Миллатлар Советининг Раиси Р. Н. Нишонов сўзга чиққан нотиқнинг таклифини қўллаб-қувватлади ва палатада айтиб ўтилган баъзи Қонун лойиҳаларига асос бўлиши мумкин бўлган дастлабки мулоҳазалар борлигини маълум қилди. У яқин вақт ичида Миллатлар Советида муҳокама қилинадиган бир неча масалалар борлигини ҳам айтиб ўтди.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.

«БУЛБУЛЧА» ИСТЕЪДОДЛАРНИ ТЎПЛАМОҚДА

«БУЛБУЛЧА» республика кўрик-конкурси истеъдодли ёш ҳаваскорлар ва касаба союзлари маданият уйларининг тўгарак раҳбарлари учун ўзига хос имтиҳон бўлади. Ўзбекистон касаба союзлари кенгаши ҳузурида тузилган ташкилий комитетнинг биринчи мажлисида кўрик конкурсни ўқувчиларнинг баҳорги таътил кунларига тўғри келадиган «Наврўз» байрами кунида очишга қарор қилинди. Унинг якунлари эса Бутуниттифоқ пионер ташкилоти туғилган кун — 19 майда чиқарилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ икки мингдан зиёд болалар коллективлари кўрикда қатнашиш ниятини билдирди.

Байрамни уюштирувчиларга ўз программаларига халқ ижодиётининг анъанавий жанрларинигина эмас, шу билан бирга санъатнинг рок-балет, пантомима, бал рақслари каби замонавий турларини ҳам киритган конкурс иштирокчиларидан анча қизиқарли таклифлар тушди.

Биринчи саҳифага мактуб

«ҚИЗЛАР СИНФИ» ТАШКИЛ ЭТИЛСА...

Фикрим қизиқ туюлиши мумкин. Лекин, аждодларимизнинг тарбияни ташкил этиш тарихига назар солсак, фикримиз ўз асосига эга бўлади. Маълумки, инқилобдан олдинги эски мактабларда ўғил болалар ва қизларни ўқитиш алоҳида бўлган. Домлалар ўғил болаларга диний, дунёвий илмни, оила тутиш асосларини пухта ўқитишса, Отин ойилар ўз мактабларида қизларни шундай тарбиялашган. «Қизлар мактаби»да қизларни турмуш қуришга тайёрлаб боришган. Уларга бола тарбияси, ўзаро муомила, одоб — аҳлоқ асослари ўргатилган. Минг йиллар силсиласида синовдан ўтган анъанавий тарбия усули туфайли бизда «қўйди-чиқди»лар деярли бўлмаган, хотин-қизлар енгил-елпи йўлга юриб кетишмаган...

Мактабларда оила-турмуш борасидаги фан ўқитилиши йўлга қўйилгани яхши бўлди. Аммо, бу машғулотларда одатда Оврупо ва рус олимлари тиббиётчилари, педагоглари қаламига мансуб дарсликлар ўқитилади. Бу дарсликларда келтирилган мисоллар, қайд қилинган фактлар, одоб-ахлоқ нормалари ҳамма вақт ҳам бизнинг урф-одатларимиз, шарт-шароитимизга тўғри келмайди. Демак, машғулотларда Шарқ урф-одатлари, тарбия воситалари ўрганилса, маҳаллий муаллифлар дарсликлари чоп этилса. Акс ҳолда...

«Қизлар синфи» ҳақидаги фикримни тўлдираман. (Матбуот хабарларига қараганда Волгоградда шундай синфлар аллақачон фаолият кўрсатмоқда). Юқори синфларда ўқитиладиган «Одам анатомияси» фанини олиб кўрайлик. Уят бўлсада айтиш керак. Кўз олдингизга келтиринг, эсланг, инсон жинсий органлари ҳақидаги дарс машғулоти аралаш ҳолда — ўғил — қиз болаларга биргаликда ўтилади. Ўнғайсизлик, ноқулай вазият... Айтайлик, дарсликнинг шу ва шунга ўхшаган «ноқулай» ўринларини ўғил болаларга алоҳида ва қиз болаларга алоҳида (албатта аёл муаллим) ўргатсалар яхши-ку!

Ошкоралик чегарасидан чиқиб, турли-туман телекўрсатувлар (Марказий ойнаи жаҳонни назарда тутаяпман), видеофильмлар ёшлар онгини заҳарлаб, таълим-тарбияга жиддий зарар етказаётган ҳозирги пайтда хотин-қизларимизни ўзлигида, одобли, хушахлоқ, нафосатли, шарқона аёл қилиб тарбиялашда «Қизлар синфи» катта аҳамият касб этган бўларди.

Нигора ҚУРБОНОВА,
Хоразм вилояти, Ҳазорасп ноҳиясидаги Пушкин номли мактаб ўқувчиси.

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг ҲАРАКАТНОМАСИ

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи—совет ёшларининг мустақил ижтимоий-сиёсий ташкилотидир.

ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Уставини, унинг мақсад ва вазифаларини эътироф этувчи Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқлари ВЛКСМни ташкил қилади.

ВЛКСМ таркибига кирувчи барча Ёшлар Иттифоқлари ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Уставига зид келмайдиган ўз Ҳаракатнома ва Уставига эга бўлиши, барча ўз ички қурилиши, фаолият кўрсатиш масалаларини мустақил ҳал қилиши, ўз сайлаб қўйиладиган органларини тузиш тартибини белгилаши, ўз норматив базасини тузиши, ўз бюджетига эга бўлиши ва ҳуқуқий шахс ҳисобланиши, мамлакатдаги ва хориждаги ёшлар ташкилотлари билан икки томонлама ва кўп томонлама мустақил алоқалар ўрнатиши мумкин.

Комсомол ўз фаолиятининг мазмунига, тузилишига ва аъзолик тартибига кўра байналмилал ташкилотдир. У совет ёшларини миллатидан қатъи назар бирлаштиради. Комсомол ўз ишини СССРда яшайдиган барча миллат ва элатларнинг маданиятига, анъаналарига, хусусиятларига, ўзига хосликларига чуқур ҳурматдан келиб чиқиб, олиб боради.

Комсомол ўз бюджети ҳисобига яшайди, у комсомол аъзоларининг аъзолик бадалларидан, даврий матбуотдан, нашриётлардан, ширкатчилик ва бошқа фаолиятдан тушумлар ва турли эҳсон пуллари эвазига ҳосил бўлади.

ВЛКСМнинг мақсади — инсоннинг эркин, ижодий, ижтимоий муҳофазаланган камолотига ёрдам берадиган жамият барпо этишда қатнашиш учун ёшларни бирлаштириш, унда «ҳар бир кишининг эркин камолоти ҳамманинг эркин камолоти учун шарт-шароит бўлиб ҳисобланади», ёшларнинг СССР қонунларида кафолот берилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш; ўз вакилларини барча давлат бошқаруви органларига ва жамоат ташкилотларига киритиш ва шундай қилиб жамият ишларини бошқаришда, давлат ёшлари сиёсатини ишлаб чиқишда ва уни амалга оширишда, совет жамияти кейинги ривожининг назарий ва амалий масалаларини, бу жараёнда ёшларнинг мавқеи ва вазифаларини ишлаб чиқишда мустақил қатнашиш учун ҳақиқий шарт-шароит яратишдир.

ВЛКСМ ўз фаолиятини СССР Конституциясига мувофиқ қуради, Совет қонунчилигига ва СССР тасдиқлаган халқаро битимларга риоя қилади, қонун лойиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Комсомол ҳамкорлик, тенг ҳуқуқлилик ва мустақиллик асосида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади. Комсомол қасаба уюшмаларида, давлат ва жамоат ташкилотларида, меҳнат жамоаси кенгашларида комсомол аъзоларининг қатнашишини зарур деб ҳисоблайди. Комсомол ёшлар масалаларини ечиш билан боғлиқ давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбар органларига ўз вакилларини киритишга ҳаракат қилади.

ВЛКСМ ва КПСС социализм мақсадларига эришиш учун марксча-ленинча ҳаракат дастурида, ҳамкорлик асосида бирлашадилар. Комсомол ва партия ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўла ишонч, ўртоқларча танқид, бир-бирининг фаолиятини сиёсий қўллаб-қувватлаш асосида қурилади. Комсомол ва партия фаолиятининг стратегияси ва тактикаси бўйича баҳсли масалалар, мунозаралар, мулоқотлар, фикрларнинг келишуви асосида ҳал қилинади.

ВЛКСМ В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ кашшофлар ташкилоти билан ғоявий бирлик асосида ҳаракат қилади, унга зарур ёрдам кўрсатади ва сайлаб қўйиладиган комсомол органларида кашшофлар ташкилотлари вакилларининг бўлишини таъминлайди.

ВЛКСМ фаолиятлари СССР Конституцияси ва ВЛКСМ Ҳаракатномасига зид келмайдиган бошқа ёшлар ташкилотлари, ҳаракатлари, партияларнинг ёшлар фракциялари, жамоатчи ҳаваскорлик органлари билан тенг ҳуқуқлилик асосида ҳамкорлик қилади. Комсомол бошқа ёшлар ташкилотлари ва бирлашмаларида ВЛКСМ аъзоларининг кўпроқ бўлишидан манфаатдордир, бунда комсомол аъзоси ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Устави талабларига риоя қилади, СССР Конституциясини бузадиган ҳаракатларда қатнашмайди. Комсомол ёшлар ҳаракатида фикрларнинг хилма-хиллиги, ўртоқларча мулоқот тарафдоридир.

ВЛКСМнинг ВАЗИФАЛАРИ

Комсомол социалистик давлатни барпо этишда фаол қатнашишни ўз бурчи деб ҳисоблайди, бунда халқ ҳокимияти халқнинг ўзи орқали амалга оширилиши, янги тараққиёт юзага чиқарган инсон ва фуқаро ҳуқуқларига кафолот берилиши керак.

Ўзининг бутун фаолиятида комсомол умумхалқ манфаатларидан келиб чиқади. Бироқ, аввало у давлат ва бошқа органларда ўз аъзоларининг манфаатларини, ёш авлоднинг ўзига хос манфаатларини ифодалайди, қўллаб-қувватлайди ва ҳимоя қилади, қуйидагиларга эришади:

СИЁСИЙ СОҲАДА:

— халқ депутатлари Советлари орқали халқ ҳокимиятини амалга ошириш, жамоат ўзини-ўзи бошқарувини ривожлантириш;

— ленинча давлат федератив қурилиши, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шартномавий-конституцион мазмуни, мухториятларнинг барча хилларини ривожлантириш;

— ҳуқуқий давлатни тузиш;

— жамиятда умуминсоний қадриятларнинг қарор топтириш ҳамда уларни синфий манфаатлар, жамиятнинг турли ижтимоий гуруҳлари, миллатлар ва элатлар манфаатлари билан тўғри уйғунлаштириш. Комсомол социалистик мафкуранинг назариянинг янгилаш тарафдоридир, қанақа бўлмасин, догматизмдан дадил воз кечиш, давлат ва жамоат ҳаётида фикр, қоралашлар, фикрлар хилма-хиллиги, манфаатлар ва ташкилий шаклларни таъминлаш тарафдоридир;

— вакиллик демократияси ва айниқса бевосита демократиянинг барча шаклларини, давлат ва жамоат ҳаётининг муҳим масалалари бўйича умумхалқ муҳокамалари ва референдумлари ўтказишни ривожлантириш. Комсомол ёшларга 16 ёшдан бошлаб сайловлар ва референдумларда қатнашиш ҳуқуқи берилиши учун курашади;

— ўз ҳаракат вазифаларини бажариш, давлат ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ўз вакиллари сиймосида ҳокимият ваколатларининг бир қисмини қўлга олиш;

— барча даражадаги Советлар, давлат ҳокимияти ижроия органлари, корхоналарнинг ўзини-ўзи бошқаруви фаолиятида қатнашиш;

— қонунларни яратиш ишида, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаларини тузишда иштирок этиш;

— ёшлар ўртасида ижодий ривожланувчи марксча-ленинча дунёқарашни, илмий социализм идеалларини тарғиб қилиш.

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАДА:

— совет иқтисодиётини инқироз ҳолатидан тезроқ чиқариш, социалистик мулк шаклларининг ҳар хиллиги, бозор муносабатларини ва конверсион тадбирларни, кучли социал сиёсатни ривожлантириш;

— ёшларни тўлиқ банд қилишни, қизиқишига, қобилиятига, касб тайёрлигига, маълумотига мувофиқ ва жамоат эҳтиёжларига мувофиқ касб, машғулот ва иш турини танлаш ҳуқуқларини мужассамлаштирган меҳнат қилиш ҳуқуқига ҳақиқий кафолатларни таъминлаш;

— ёшлар учун тенг ишга, тенг ҳақ тўлашга, умумдавлат ва тармоқ тариф тузилмаларини тугатишга кафолот;

— ёшларнинг жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ва меҳнат унумдорлигини оширишга, моллар ва хизмат кўрсатиш тақчиллигини тугатишга, ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган меҳнат ва ижтимоий аҳамиятга молик бошқа ташаббуслари давлат томонидан қўллаб-қувватланишига кафолат бериш;

— мамлакатнинг бошқа фуқаролари қатори ёшларнинг ижтимоий истеъмол жамғармалари, корхона ҳамда ташкилотларнинг жамғармаларидан тенг фойдаланишлари учун шароит яратиш;

— ёшларнинг меҳнат ташаббусларини амалга ошириш учун шароит яратиш, бунинг учун ВЛКСМ таъсис этадиган банклар, ширкатлар, хўжалик ҳисобидаги бирлашмалар, корхоналар, шунингдек талабалар отрядлари, ёшларнинг фан-техника ижодкорлиги, ёшлар яхлит уй-жойлари марказлари, меҳнат-иш штаблари, комсомол қўмиталари ва маъмуриятлар ўртасидаги шартномавий муносабатлардан фойдаланиш;

— ёшларнинг уй-жой муаммоларини ҳал қилиш ва социализмни иснодга қолдираётган ишчилар ётоқхоналари системасини тугатиш, мамлакатда қурилаётган ҳар тўртта квартиранинг биттаси ёш келин-куёвларга берилиши керак;

— ёш фуқаролар ва ёш оилаларга узоқ муддатли имтиёзли қарз бериш, оила аъзоларининг сони кўпайиб боришига, долзарб ижтимоий ҳаракатномаларда қатнашишига боғлиқ равишда қарзнинг бир қисмини қоплаш;

— оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича давлат ҳаракатномасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бола тарбияси соҳасидаги меҳнатни тенг ҳуқуқли ижтимоий зарур фаолият тури деб эътироф қилиш;

— ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барча даражадаги режаларида ёшлар муаммолари туркумини алоҳида бўлимлар сифатида ажратиш;

— болалар уйлари ва интернат-мактаблар битирувчиларининг ижтимоий мослашиб кетишига давлат кафолоти;

— давлат томонидан тўла кафолот берилган ижтимоий адолатни ўрнатишга, совет халқи эътироф этмаган имтиёзларни тугатишга қаратилган сиёсатни амалга ошириш.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА:

— билим олишни демократиялаш, таълим тузилмасидаги номутаносибликларни тугатиш, уни инсонпарварлаштириш;

— халқ таълими системасини бошқаришни изчиллик билан демократик асосга қуриш;

— мактаб ишини маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйиш, барча тоифадаги ёшларга яшаш жойидан, миллатидан, ота-онасининг машғулотидан қатъи назар, бир хил имконият яратишни таъминлаш;

— янгиликпарвар муаллимларни, жамоат-педагогик ҳаракатларни ижодий излашга, янгиликпарвар муаллимлар ҳуқуқларини муҳофаза қилишга давлатнинг кенг қўллаб-қувватлаши;

— ҳамкорлик педагогикасини қарор топтириш;

— совет мактабини ягона, меҳнат, политехника мактаби сифатида янада ривожлантириш; фақат меҳнат ва таълим омухта бўлгандагина, ёшлар ижтимоий муносабатларнинг моҳиятини англашга ва уни эгаллашга қодирдир;

— олий ва ўрта мактабнинг мустақиллиги, талабалар ва ўқувчилар ўзини-ўзи бошқарувини ривожлантириш;

— дарсликларнинг мазмуни барча ўқувчилар учун тушунарли бўлиши;

— таълимнинг ёшлар шахсининг ижтимоий томонларини ривожлантиришга қаратилганлиги;

— халқ таълимига сарфланадиган харажатларни анча кўпайтириш, улар йиллик миллий даромаднинг камида 7-8 фоизини ташкил қилиши керак;

— ёш авлоднинг ахборотга эга бўлиш маданиятини дунёдаги даражага кўтариш.

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ СОҲАСИДА:

— ёшлар союзининг, мамлакатнинг, халқнинг ҳақиқий тарихини холисона тиклаш; тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаб қолишга ёрдам бериш; ҳарбий ва фуқаролик бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлганларнинг хотирасини, оммавий қирғинлар қурбонларининг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

— Ватан ва жаҳон маданиятининг қадриятларидан ёшларнинг баҳраманд бўлишини таъминлашга давлат кафолоти;

— бадиий тарбия масалаларига, тижоратчилик ёндашувига барҳам бериш, ундан ҳамма баҳраманд бўлиши керак;

— алоҳида қобилиятли болалар ва ўсмирларни топиш, уларнинг камолоти, қобилиятларини такомиллаштиришлари учун шарт-шароит яратишга давлат кафолоти;

— бадиий ижод барча турларининг эркинлиги;

— ёшлар маданий спорт комплекслари тармоғини ривожлантириш;

— юқори спорт кўрсаткичлари ва оммавий жисмоний тарбия ва спорт ўртасидаги номутаносибликларни тезроқ тугатиш; халқнинг, ёшларимизнинг сиҳат-саломатлиги совет спортининг бош рекорди бўлиши керак;

— муҳтож одамларга беминнат ёрдам кўрсатишни ўз бурчи деб ҳисоблаб, раҳм-шафқат ҳаракатида фаол қатнашиш;

— болалар ва ёшлар истироҳатининг индустриясини яратиш;

— салоҳиятли ижодкор ёшларга ёрдам бериш.

ҲАРБИЙ СОҲАДА:

— оқилона ва ишончли миқдоргача Қуролли Кучлар харажатларини ва қурол-яроғларни қисқартириш, бўшаган маблағларни ижтимоий ривожлантириш эҳтиёжларига (биринчи навбатда таълим системаси ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга, болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, уруш ва меҳнат ногиронларини ижтимоий таъминлашга, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тадбирларига) сарфлаш;

— Совет Қуролли Кучларида уни тўлдиришнинг илмий асосланган мақбул, умуммиллий манфаатларига мос келадиган модели асосида ислоҳот ўтказиш;

— ҳарбий жамоалар ҳаётини демократиялаш, армия ва флот ёшларининг манфаатларига дахлдор масалаларни ҳал қилишда комсомол ташкилотларининг кенг иштироки (таътил, хизмат мавқеидаги ўзгаришлар барча эҳтиёжларини таъминлаш, истироҳатни уюштириш, ижтимоий турмушни қуриш).

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР СОҲАСИДА:

— мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг ҳақиқий тенглиги; миллий мактабни, тилни, маданиятни ривожлантириш, мос турмуш шароити яратиш бўйича тажрибани сақлаб қолиш;

— мамлакатдаги барча миллат ва элатлар ёшларида юксак миллатлараро муносабатлар маданиятини, ватанпарварбайналмилаллик хислатларини шакллантириш;

— миллатлар ва халқларнинг ажралиб кетишига, миллатчилик ҳис-туйғуларини авж олдиришга, миллий маҳдудликка олиб келувчи ҳамма нарсага фаол қарши чиқиш;

— тилига, маданиятига, диний эътиқодига кўра озчилик миллат вакилларининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятда камситилишидан муҳофаза қилиш ҳуқуқи.

ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДА:

— атроф-муҳит аҳволи устидан жамоат назорати ўрнатишнинг самарали системасини ишлаб чиқиш;

— мактабгача тарбия муассасалардан бошлаб ёшларнинг умумий экологик таълимини жорий қилиш.

ВЛКСМНИНГ ҲАРАКАТ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИНИ БАЖАРИШГА ЭРИШИШ ВОСИТАЛАРИ:

ВЛКСМ ўзининг ҳаракат мақсадларига эришиши учун:

— ўз аъзоларининг ташаббускорлиги, куч-ғайрати ва меҳнатига;

— Совет ҳуқуқий давлатининг қонунларига;

— ёшларга дахлдор сиёсий масалалар ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда сиёсий ва ижтимоий шериклар билан ҳамкорлик қилишга;

— ўз иқтисодий таянчига суянади. Молиявий ва моддий буюм ресурслари кўринишидаги комсомол мулки объектлари, шунингдек, комсомолга вақтинча фойдаланишга берилган давлат ва жамоат ташкилотларининг объектлари иқтисодий таянчни ташкил этади.

ВЛКСМ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА КАФОЛОТЛАР

ВЛКСМ ўз аъзоларига:

— мамлакатда юз бераётган сиёсий жараёнларда, давлат ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашиш учун имконият яратишга;

— ВЛКСМ моддий таянчидан уларнинг эҳтиёжларига мувофиқ фойдаланишга;

— мавжуд молиявий маблағлар ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатишга;

— ВЛКСМ аъзосининг қизиқишлари ва имкониятларига мувофиқ машғулот турини ва ташкилотни танлаш ҳуқуқига;

— бошқа ВЛКСМ аъзолари қатори тенг имконият билан ички союз ишларида қатнашувига;

— комсомолга киришнинг ихтиёрийлигига ва ундан чиқишнинг эркинлигига кафолот беради.

Шу билан бирга:

— комсомол аъзосининг комсомол ташкилотининг фаолиятида ихтиёрий иштирок этиши;

— аъзолик бадаллари тўлаш орқали ташкилотни моддий қўллаб-қувватлаш, турли тадбирларда, ВЛКСМ корхоналарининг фаолиятида қатнашиш:

— ички союз интизомига риоя қилишни, комсомол олдидаги мажбуриятларини англаш;

— комсомол аъзосининг ўзи белгилаган миқдорда комсомол аъзоси ҳуқуқларининг бир қисмини сайланадиган ва ижроия органларига бериш — ВЛКСМ аъзоси учун комсомол берадиган кафолотларни амалга оширишнинг шарти ҳисобланади.

Комсомолни демократик асосда, жамиятдаги ўзгаришларга монанд ички ривожланадиган ташкилот сифатида ривожлантириш ВЛКСМ илгари сураётган мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг кафолоти бўлиб ҳисобланади.

Шу мақсадларда:

— бошланғич комсомол ташкилотининг мустақиллигини кенгайтириш ҳисобидан унинг ҳақиқий устунлиги таъминланади. Бошланғич комсомол ташкилотлари, ўзлари юқори раҳбар органларга ихтиёрий берган ваколатлардан ташқари, барча масалаларда мустақил ҳисобланадилар;

— қонунчилик ва ижрочилик вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш амалга оширилади: сайланадиган органларга қонунчилик, раҳбарлар ва аппаратга ижрочилик вазифалари юкланади;

— ташкилотнинг режаларини, ҳаракатномаларини, раҳбарларнинг ва аппаратнинг ҳисоботларини, кадрлар масалаларини, шунингдек, бюджетни тузиш ва амалга ошириш масалаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш масалалари сайланадиган органлар ваколати доирасига киради;

— қуйи бўғинларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат ва партия (КПСС) органларида, ўзини-ўзи бошқарувчи жамоат органларида вакиллик ҳамда комсомоллар ва ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш; ижроия органнинг ўзи сайланишига асос бўлган ҳаракатномани бажариш; юклатилган вазифаларнинг ижроси тўғрисида ҳисоб бериш ижроия органларнинг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади;

— комсомолда сайловлар бевосита, муқобил асосда номзодларни кўрсатиш, яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади;

— комсомол ташкилотларининг бюджетларини тақсимлаш, у кимнинг ҳисобидан тузилса, ўшалар томонидан амалга оширилади;

— назоратчилик вазифалари ташкилотга юқори орган сиймосида (йиғилиш, конференция, съезд) ҳисоб берадиган, сайланадиган органлар томонидан амалга оширилади. Сайланган раҳбар ва ижроия органлар ишини баҳолашнинг бош мезони — комсомоллар ва ёшларнинг фикридир.



Жарқўрғон йигирув-тўқув фабрикаси йилига 1700 тонна калава ҳамда 13 миллион погон метр ип-газлама матолари ишлаб чиқармоқда. Бу катта ҳажмдаги юмушларни уддалашда корхонанинг минг нафардан зиёд тўқимачилари фидокорлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Корхона ташкил топганига 6 йил бўлди. Ана шу қисқа вақт ичида бу ердаги қувватлар тўла ўзлаштириб бўлинди. Ишчиларнинг ижтимоий-меҳнат шароитларини яхшилаш борасида ҳам талайгина ишлар қилинмоқда. 140 ўринли болалар боғчаси ишлаб турибди. Замонавий ётоқхона ҳамда 24 хонадондан иборат иккита уй қурилиши давом этмоқда.

Суратда: йигирувчи Ойимноз Холиқова. У тўртта машинага хизмат кўрсатади.

ЎзТАГ мухбири И. ХЎЖАЕВ олган сурат.

Бизнинг мусоҳаба

САХОВАТ

Ўтган йил охирида Самарқанд вилоят Совети ижроия қўмитаси мажлисида «Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 1989 йил 23 ноябрдаги қарори муносабати билан 1990 йилда Самарқанд вилоятининг халқ таълими, маданияти, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот тармоқларида ижтимоий аҳволни янада яхшилаш юзасидан ҳаракатномаси тўғрисида»ги масала кўриб чиқилган.

Биз ана шу ҳаракатноманинг мақсади ва мазмуни тўғрисида вилоят ижроия қўмитасининг ижтимоий-маданий муассасаларининг ишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлимининг мудири Исохон Муродович МУХТОРОВ билан мусоҳабада бўлдик.

МУХБИР: — Бу қандай ҳаракатнома! Унда қандай тадбирлар назарда тутилган! Кимларга мўлжалланган!

И. МУХТОРОВ: — Ҳужжатнинг номидан ҳам бу кўриниб турибди. Ҳаракатномага Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг «1990 йилда Ўзбекистон ССР халқ таълими, маданияти ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ижтимоий аҳволни янада яхшилаш борасидаги тадбирлар тўғрисида»ги қарори асос қилиниб олинган. У пенсионерларнинг, етимларнинг, «афғон»лар — мажруҳларнинг, кўп болали оилаларнинг турмуш шароитларини яхшилашни, касалхоналар, мактаблар, болалар уйлари ва интернатларни сақлашга маблағ ажратишни кўпайтиришни, юқорида қайд қилиб ўтилган муассасалар ходимларининг маошларини оширишни назарда тутади.

Агар аниқ тарзда оладиган бўлсак, ҳаракатнома ўзига ўн бир йўналишни қамраб олган. Шулардан энг муҳими 1—5-синф ўқувчиларининг ҳар бирига йилига 30 сўм ҳисобида бепул нонушта ташкил этишни таъминлаш ҳисобланади. Вилоят мактабларида 1—5-синфларда 256 минг бола ўқийди. Демак, қуйи синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлашга йил охиригача вилоят бўйича 7 миллион 689 минг сўм сарфлаш лозим бўлади.

Ҳаракатномадаги иккинчи муҳим йўналиш — бу кам таъминланган оилалардаги камқонликдан азоб чекаётган ҳомиладор аёлларни бепул овқатлантириш ҳамда дармондори билан таъминлашни ташкил этиш ҳисобланади. Вилоятимизда улар 60 минг киши бўлиб, шулардан ўн минг аёл бепул овқат билан таъминланади. Агар бир беморга 280 сўмлик озиқ-овқат ажратилган тақдирда бу йилига 3 миллион 880 минг сўм сарфлашни талаб этади. Дармондори билан таъминланиши лозим бўлган аёлларимизга эса 1 миллион 80 минг сўм маблағ ажратилган.

Бундан ташқари кексалар ва мажруҳлар учун интернат-уйларда ҳар бир кишига икки сўм йигирма тийингача нормада сарфланмоқда. Булар 30 сўмдан то 50 сўмгача нафақа олувчилар, тўла иш стажига ва хизматига эга бўлмаган ёшдаги 44 сўмдан 60 сўмгача пул оладиган ёлғиз фуқаролар. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган, шахсий хонадонларда ижарага хона олиб турган талабаларга (ойига ўн сўмдан) моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Муаллимлар, врачлар ва алоқа ходимларига ижтимоий ёрдам сифатида таксидан ташқари шаҳар автотранспортида бепул юришларига ижозат этилган.

Шунингдек, шахсий хонадонларда истиқомат қилаётган халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ходимларига ҳам коммунал хизматлардан (хона ҳақини, электр қуввати, ёқилғи ҳақини тўлашда) фойдаланиш учун имтиёзлар берилади. Маданият ходимларининг кам бўлган маошига ҳар бир киши ҳисобига 20 сўм миқдорида қўшимча берилади. Вилоятда биргина мана шу тоифадаги ходимларнинг ўзи 2100 дан зиёдни ташкил этади ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш учун 451 минг сўм ажратилган.

МУХБИР: — Ижтимоий ҳаракатномада белгиланганларни амалга ошириш бир йил мобайнида кам таъминланганларнинг турмуш даражасини сезиларли яхшилайди. Бу нима ҳисобидан амалга оширилади! Қуйи синф мактаб ўқувчиларининг бепул нонуштасига ва саломатлиги ёмонлашган бўлажак оналарга ким ҳақ тўлайди! Ахир гап минглаб сўм устида эмас, балки миллионлаб сумма сарф қилиш ҳақида бораяпти-ку!

И. МУХТОРОВ: — Сиз ҳақсиз. Қўшимча ижтимоий ҳаракатномани амалга ошириш катта сарф-харажатларни тақозо этади. Юқорида санаб ўтилган 11 йўналишнинг етти йўналишини таъминлашга маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилади. Қолганлари эса жумҳурият бюджети ва оталиқ қилувчи корхоналар, комсомол ташкилотларининг маблағи ҳисобидан таъминланади. Масалан, интернат-уйларда овқатланишга сарф-харажатларнинг кўпайиши тўғрисида оталиқ қилувчи корхоналар ҳамда ташкилотлар ғамхўрлик кўрсатадилар. Мажруҳлар ва ҳалок бўлган байналмилалжангчиларнинг оилалари пенсияларига қўшимча ҳақ тўлаш партия ва комсомол ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

МУХБИР: — Бу меҳнат коллективларининг манфаатларини камситмайдими! Кўпчилик ахир хўжалик ҳисобида ишлаяпти, табиийки, ишлаб топилган ҳар бир тийинни ҳисобга оладилар-ку!

И. МУХТОРОВ: — Ўзи ишлаб топган пулларни бошқа томонга бериш бирор бир корхонага фойдали эмас. Чунки бунинг ўрнига улар ўзларининг ички муаммоларини ҳал қилиб олишлари мумкин бўларди. Лекин баъзида шундай вазият юзага келадики, ҳатто шахсий гуруҳ манфаатларидан воз кечишни тақозо этади. Биз эса ҳозир ана шундай пайтда яшаяпмиз. Вилоятдаги ўн минглаб кишилар фақир ҳолда яшамоқда. Бу бахтсизлик — ҳамманинг бахтсизлиги. Агар биз кўмак бермасак, бошқа одам кўмак бермайди. Буни яхши англаб етаётган жамоалар оз эмас. Улар инсонлар тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш халқнинг қайси миллатга мансублиги, эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва бошқалардан қатъий назар, нормал яшашининг омили эканлигини яққол англамоқдалар. Пахтачи ноҳиясидаги К. Маркс номли жамоа хўжалигини олайлик. Унга СССР халқ депутати Абдуҳаким Қаландаров бошчилик қилиб келмоқда. Бу ерда икки йилдан буён кундузги стационар ишлаб турибди. Жамоа хўжалигининг шифоланишга муҳтож бўлган аъзолари ўзлари учун қулай пайтда қатнашишлари мумкин бўлмоқда. Барча сарф-харажатларни хўжалик ўз зиммасига олган.

Мана яна бир мисол: вилоят ижроия қўмитаси «1990 йилда Самарқанд вилояти халқ таълими, маданияти ва соғлиқни сақлаш ходимларининг ижтимоий таъминланишининг ижтимоий аҳволини яхшилаш юзасидан» ҳаракатномаси тасдиқланишидан анча олдин, аниқроқ қилиб айтганда, ўтган йилнинг апрелида Боғишамол ноҳия ижроия қўмитаси мактаб ўқувчиларига бир маҳал бепул овқатга маҳаллий бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Ҳозирги пайтда ноҳия мактабларининг 20094 ўқувчиси бепул нонушта олмоқда. Боғишамолликларнинг тажрибаси Темирйўл, Сиёб, Жомбой, Каттақўрғон, Самарқанд ва бошқа ноҳияларда оммалаштирилган. Оила асосий боқувчисидан маҳрум бўлган хонадонлардаги умумтаълим мактабларининг 68 мингдан зиёд ўқувчиси маҳаллий бюджет, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларининг маблағлари ҳисобидан бепул овқат билан таъминланмоқда. Ана шу мақсадга йилига 68 минг сўм сарфланган.

Боғишамол ноҳия фирқа қўмитаси билан ноҳия ижроия қўмитаси ташаббуси асосида Самарқандда уруш ва меҳнат мажруҳларига, байналмилалжангчиларга, ёлғиз пенсионерларга ва етим болаларга амалий ёрдам кўрсатиш учун хайрия жамғармаси тузилган. Вилоятда ёлғиз, меҳнатга қодир бўлмаган фуқароларга хизмат кўрсатиш юзасидан ижтимоий таъминотнинг ўн битта бўлими ишлаб турибди. Улар ўз васийликларига 1150 кишини олишган. Ана шу янги хизматларнинг 108 ходими — талабалар ва мактабларнинг темурчилари ёрдамга ва қаровга муҳтож кишилар тўғрисида ғамхўрлик кўрсатишни ўз зиммаларига олганлар.

Вилоятдаги интернат-уйлар вилоят ижроия қўмиталарининг қарорлари билан олтита оталиқ қилувчи корхона, ташкилот, давлат ва жамоа хўжаликларига бириктириб қўйилган. Улар моддий ёрдам кўрсатишдан ташқари ўз васийликларида бўлган кишиларга турли хил маиший хизматлар ҳам кўрсатмоқдалар, қурилиш материаллари ажратмоқдалар, биноларни жорий ремонтдан чиқармоқдалар.

Пахтачи, Каттақўрғон ва бошқа ноҳияларда кундузги овқатланиш билан аёллар ҳамда болаларга соғломлаштириш стационарлари тузилган ҳамда ишлаб турибди.

МУХБИР: — Исахон Муродович, Сизнинг гапларингизга қараганда, муаллимлар, табобат ва маданият ходимлари, маиший хизмат кўрсатиш мутахассисларининг ижтимоий аҳволини яхшилаш юзасидан илгари ҳам қатор ишлар амалга оширилганлиги кўриниб турибди. Агар ҳозирги режаларни амалга оширишга муваффақ бўлинса, унда танг ҳолатдан чиқиб олиш мумкин. Бошланган муҳим иш илгарилари бир неча бор бўлганидек, қуруқ шов-шувдан иборат бўлиб қолмаслиги учун кафолот борми!

И. МУХТОРОВ: — Мана бу кўриб турган семиз папкада ўнлаб буйруқлар, фармойишлар, рўйхатлар, маълумотлар, тадбирлар бор. Ҳатто унинг ичида «мактаб ўқувчилари нонуштасининг намунавий хили» қайд этилган. Барча ҳужжатлар, улар бирмунча кўп бўлса ҳам, қоғозбозликка ишқибозлик туфайли юзага келтирилган эмас. Улар амалга оширилиши лозим бўлган бутун катта ишни тартибга солиб туради. Ҳаракатноманинг бажарилиши бориши устидан аниқ назоратни дастлабки қадамлардаёқ йўлга қўйиш муҳимдир. Биз вилоят бошқармалари ва бўлимлари тасарруфидаги маҳкамаларнинг раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳи ташкил этдик. Жойларда — ноҳияларда, қишлоқларда бевосита ижрони амалга ошириш вилоят матлуботи уюшмаси, вилоят соғлиқни сақлаш, вилоят ижтимоий таъминот бюроси ходимлари йўлланиб, уларга бу вазифа юкланган.

Муҳим ижтимоий ҳаракатнома кимга ғамхўрлик кўрсатишга қаратилганлигини ҳамма ҳам билмайди. Бунда, афтидан, оммавий ахборот воситаларининг ҳам айби бор. Биз ҳаракатнома ижрочиларининг онгига етказишимиз, унда белгиланган барча тадбирлар ўз муддатларида ҳамда вилоятнинг ўз кучлари, ички имкониятлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган. Кишилар раҳбарларнинг қобилиятини ўзларининг турмуш даражалари қанчалик яхши томонга қараб ўзгариб бораётганлиги билан баҳо берадилар.

Мусоҳабани Л. ДУЗИНСКАЯ олиб борди.

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА



Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг бўлим мудири.

Миллат бир баҳона, холос...

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА тўққиз миллион аҳолининг қашшоқлик чегарасида кун кечираётгани тўғрисидаги гаплар муштарийларнинг меъдасига тегиб ҳам улгурди. Мен кеча деҳқон бозорига бориб лол қолдим: писта-бодомнинг бир килограмми — 20 сўм, майиз — 13 сўм, нок — 12 сўм, олма — 8 сўм.

Пештахта ортидаги деҳқонми, чайқовчими бир кило олмага малакали бир ишчининг бир кунлик иш ҳақини сўрагани билан у харидор кутиб пашша қўриб ўтиргани йўқ: сотяпти. Ўша нархларда одамлар харид қилишмоқда. Кўпи ўзбеклар. Хўш, йигирма сўмга бир кило писта-бодом, йигирма сўмга бир сиқим — юз грамм зира сотиб олаётган ўзбек қашшоқми? Сираям!

Гап — ижтимоий адолатсизликда. Бу адолатнинг бузилишига тузум айбдорми ёки тузумни бузган, биз ҳозир турғунлик йиллари деб атаётган даврнинг раҳбар-етакчилари айбдорми — бу чуқур олимона тадқиқотларга бир дунё «хом ашё» берадиган манба. Ҳозир кўриб турганимиз: юқори даражадаги нотенглик — факт. Тоғли Қорабоғдаги, Озарбайжондаги, Фарғонадаги, ниҳоят яқинда Тошкент вилоятининг Бўка ноҳиясида бошланиб қўшни Паркентга ҳам ўтган, гўёки миллатлар ўртасидаги тўс-тўполонларнинг асл илдизи ана шу ижтимоий адолатсизликларда деб тушунаман. Йўқса, очарчилик йилларида, оғир уруш даврида нега бир жумҳуриятда яшаётган бир неча ўнлаб миллат халқлари бир-бирининг гўштини емади, улар ўртасида миллатга тааллуқли заррача нифоқ туғилмади? Сабаби — бу пайтда ҳамма иқтисодий тенг эди, тенг бўлмаганда ҳам, фарқ ҳозиргидек ер билан осмончалик эмасди: кимдир 28 сўмлик «Ўзбекистон» коньягига ўн икки сўмлик нокни газак қилиб магазин баҳоси икки ярим минг, бозор баҳоси олти минг «видео»да алмойи-алжойи томошаларни кўриб ўтирган бир пайтда унинг ён қўшниси бўлмиш кимдир суви қочган нонга ширин чой тайёрлаш учун қандга патта кутиб ижроқўмлар эшигида сарғайиб турмас эди.

Бугун эса шу кўйга тушиб қолдик. Нега? Халқни ўйлайдиган раҳбар кам.

Раҳбарларнинг уқувсизлиги, халқ кўнглидагини топа билмаслигига 3 март куни Паркентда бўлиб ўтган қонли воқеалар яққол мисол бўлади. Бўкадан кўчирилган месхети туркларининг бир қисми Паркентдаги «Кумушкон» дам олиш уйига ўн кунга деб жойлаштирилган эди. Бу муддат тугагач у ер, бу ердан «Нега олиб кетмаяпсизлар?» деган саволга жавобан Паркентга бир неча автобусда қуролланган ички қўшин жангчилари киритилди. Ноҳия марказида бехосдан пайдо бўлган юздан ортиқ совутли жангчиларни кўриш учун одамлар йиғилди. Милиция раҳбарлари оломонга тарқалиш учун муҳлат эълон қилди. Шу орада жанжал чиқди. Жангчилар ўқ узди. Афғонистонда хизмат қилиб бешикаст қайтган йигит ўз юрти тупроғида бу аҳмоқона ўқларнинг биридан ер тишлади! Одамлар адолатсизликка чидаб туришолмади...

Жумҳурият Нозирлар Кенгашининг Раиси М. Мирқосимов, Тошкент вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби С. Мамарасулов қўзғалган халқни қурол билан эмас, ақлли сўз билан тинчитишди. Халқ жангчиларни тезда олиб кетишни талаб қилди, талаб бажарилди. Вассалом. «Уруш» тугади.

Савол туғилади: қуролланган жангчилар нима учун керак эди? Агар туркларни ҳимоя қилиш учун бўлса, улар жойлашган «Кумушкон» жангчилар келтирилган ноҳия марказидан 20 чақирим нарида эди-ку?!

Буюк Абдулла Қаҳҳор айрим танқидчиларни чаласавод ўт ўчирувчига ўхшатган эди: унинг олдида папирос ҳам чекиб бўлмайди, ёнғин бўляпти деб башарангга сув пуркайверади. Паркент фожиасида ҳам мана шунақа «ўт ўчирувчилар»нинг қўли борлиги тайин. Ҳозир текширияпти. Ўт очишга буйруқ берганлар албатта жазоланади.

— Менинг уч болам бор, — дейди Яшин Усмонов. — Ирригация институтини тугатганман, иш тополмаганим учун насос машинисти бўлиб ишлаяпман, аниқроғи, шу насосларга қоровулман. Ўзим яшайдиган Тимирязев номли жамоа хўжалиги раисига (Б. Хўжамов) ер сўраб борсам: «Ер йўқ, телевизорда гапиравераді» деб ҳайдади. Уй қурмоқчи эдим, райпотребсоюзда «Шифер йўқ, навбатда турганлар кўп» дейишди. Вилоят ижроия қўмитасига арз қилиб бордим, ёрдам беришди, 100 та шифер олдим. Агар битта шиферга 2 сўм 47 тийиндан эмас. 5 сўмдан берсангиз, ҳеч қаерга шикоят қилишнинг ҳожати йўқ, истаганча олаверасиз.

Бўка ноҳиясидаги Тимирязев номли жамоа хўжалигида ер бериш масаласида яна бир неча одам юқоридагига ўхшаш гапларни айтди. Бу хўжаликдаги аҳволни ўрганганим йўқ. Вилоят прокуратураси жойларда шу масалани ўрганиб, Тошкент ноҳиясидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» жамоа хўжалигида колхозга мутлақо алоқаси йўқ, кўпи Тошкент шаҳрида яшайдиган 56 кишига ер ажратилганини аниқлади. Биттагина хўжаликда шунча талон-тарож! Хўш, энди ўйлаб кўринг: кўпи ё амалдор ёки пулдор бўлган бу одамларнинг қайси бири хўжаликдан олган ерига мева-сабзавот экиб озиқ-овқат ҳаракатномасини бажаришга, бозорни арзон қилишга ҳисса қўшади? Ҳеч қайсиси! Улар ерга данғиллама иморат соладилар, дала ҳовлига экилган уч-тўрт та дарахтнинг мевалари ҳам тагига тўкилиб чириб битади. Ҳолбуки...

Жумҳуриятда ерга муҳтож одамларнинг 95 фоизи ер билан таъминланди, 150 минг гектар ер берилди, деган маълумот ичига мана шу кишилар ҳам кирган. Битта жамоа хўжалигидаги кишилар. Вилоятда, жумҳуриятда улар қанча экан?..

Менга, жумҳурият олий раҳбарлиги бошлаган улуғ ишнинг пастки поғоналарда шу тариқа барбод бўлиши, инқирозга юз тутиши, бу улуғ ва хайрли қарор ҳам тўлалигича халқ фаровонлигига хизмат қилмай, шундоқ ҳам бой бўлган айрим кишиларнинг янада бойишига хизмат қилаётгани алам қилади. Қайта қуриш мана шу йўсинда жумҳурият раҳбарлиги идораларидаги қоғозларда ва рўзнома саҳифаларида қолиб кетиши мумкинлиги ташвишга солади.

Бўкада яна бир ғаройиб янгилик жорий этилибди. Уй қурмоқчи бўлган одам қурилажак уйининг лойиҳасини кўрсатмагунча шифер ҳам, ёғоч ҳам ололмас эмиш. Лойиҳа эса 155 сўм турар экан. Сен ўша лойиҳа бўйича уй қурасанми-йўқми, бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Мақсад — 155 сўмни шилиш. Ахир бу, ҳокимнинг фуқароларга аҳмоқона солиқ солишининг маданий кўринишидан бошқа нарса эмас-ку!

Одам ўзи тўқ бўлса, ҳеч қачон қўшнисининг ҳовлисига кўз олайтирмайди.


Энди, халқ билан бамаслаҳат, халқ талаб қилаётганидек — маҳаллий кадрлар орасидан сайланган раҳбарлар кечаги ва бугунги кун воқеаларидан хулоса чиқариб, халқ учун хизмат қилишдек тўғри йўлдан боришларига ишонгим келади.

Экин-тикин даври бошланди. Эртанги ҳосилнинг тақдири бугунги меҳнатга боғлиқлигини Тошкент ноҳиясидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» жамоа хўжалигининг 8 ойнадала бригадасида меҳнат қилаётган мана бу икки дугона — Наима Рихсибоева билан Муқаддам Имомназаровалар ҳам яхши билишади. Эртанги карам ниҳолларини парвариш қилишда улардан ўзадигани йўқ. Ниҳоллар кўчириб ўтқазишга тайёр.

Ҳ. ШОДИЕВ сурати.



МАМЛАКАТИМИЗДА



Жаббор РАЗЗОҚОВ,
публицист

Яна саробга айланмасин

БИЗ КЎПДАН БЕРИ кутган ва мамлакатимиз тарихида бениҳоя катта сиёсий аҳамиятга молик бўлган воқеа юз берди — СССР Президенти лавозими жорий этилди. Бу оламшумул воқеани ҳорижий мамлакатларнинг оммавий-ахборот воситалари, хусусан Американинг энг нуфузли рўзномаларидан бири «Вашингтон пост» нашри уни Октябрь инқилобидан кейинги энг муҳим ўзгариш деб таърифлади.

Океан ортидаги машҳур публицистлардан бири Валерий Чалидзе «...инсоният тарихидаги энг машҳур киши» деб юксак баҳо берган М. С. Горбачев СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездида кўпчилик овоз билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг биринчи Президенти этиб сайланди. Президент: «Мамлакатимиз халқларига садоқат билан хизмат қилишга, СССР Конституциясига қатъий риоя этишга, гражданларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, зиммамга юкланган СССР Президентининг юксак вазифаларини виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан», деб ваъда берди.

Бу тарихий ва масъулиятли дақиқаларга эришиш осонликча кечмади. Очиғини айтиш керак, даставвал кўп миллатли ва федератив тузилишдаги мамлакатни бошқаришнинг бу формасига деярли кўпчилик қарши эди. Турли хил фикрлар билдирилди, қарашлар ва қизғин баҳслашувлар бўлди. Съезд кун тартибидаги масалани бошқа томонга буриб юборишга уринишлар, депутатларни чалғитишга ҳаракатлар кўзга ташланди. Баъзи депутатлар Президентни дарҳол, съездда сайлаш керак деган қатъий фикрни айтдилар. Бошқа бировлар эса «умумхалқ» яхлитлиги амалда бўлмаган шароитда умумхалқ муҳокамасига қўйишни ёқлаб чиқдилар. Яна бирлари эса ҳали мукаммал Конституцияга эга бўлмай туриб, бу ишни амалга ошириш асло мумкин эмас, деган фикрни билдирдилар.

Даставвал Президентликка уч кишининг, яъни Вадим Викторович Бакатин, Михаил Сергеевич Горбачев ва Николай Иванович Рижковларнинг номзодлари кўрсатилди. Аммо В. В. Бакатин ва Н. И. Рижковлар ўз номзодларини қайтиб олишларини билдирдилар. «Ҳозир янглишиш мумкин эмас, деди Николай Иванович, жумладан, янги миқёсда фикрлайдиган киши, анча олдиндан кўра билиши керак бўлган инсон Президент бўлишига аминман». Депутат М. С. Горбачевда ана шу фазилатлар мужассам эканлигини алоҳида уқтириб ўтди ва депутатларни унинг учун овоз беришга чақирди.

Депутатлар биргина номзод бўлса ҳам танлаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Улар нафақат шахсни, балки шу билан бирга у юргизаётган сиёсатни, сиёсий йўлни ҳам танладилар.

Қайта қуриш ва ошкораликнинг энг гултож воқеаси юз берди. Ҳамманинг умиди, эзгу орзуси амалга ошгандай бўлди. Хўш, энди халқимизнинг фаровонлиги бир мунча бўлса ҳам яхшиланармикан, мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор тараққиёт босқичига кўтарила олармикан... Халқ эса кутаяпти... Ҳамон интиқиб кутаяпти. Президент «Мамлакатимиз оғир даврни бошидан кечирмоқда. Лекин агар биз ғайрат-шижоат билан, аҳил ҳаракат қилсак, албатта ана шу қийинчиликларни бартараф эта оламиз», деб ишонч билдирди. Биз ҳам ниҳоят олий мақсадларнинг амалга ошишига муштаракмиз. Бироқ энди бемақсад ғоялар, қонли тўқнашувлардан воз кечиб, амалий ишга ўтадиган пайт келди. Халқ сабрининг ҳам чеки бор. У йўловчи эмас, автобус ёки поезд кутадиган...

Мамлакатимиз бошқарув системасидаги бу янгилик ўзининг мукаммал ва одилона йўлини топиб олиши учун ҳали кўп вақт керак. Чунки СССР кўп миллатли федератив тузилишга асосланган давлат. Ҳар бир жумҳурият ўзига хосликка эга. Шунинг учун ҳам илгари йўл қўйилган хатоликларни Президент ҳисобга олмоғи, марказий бошқарув кенгашига доимий ишлаш учун ҳар бир жумҳуриятдан вакилларни тайинланмоғи даркор. Яна бир масала. Съездда ҳам, ҳозирги кунда ҳам Президентни халқ сайламоғи керак деган фикр олға сурилмоқда. Менимча бу масала ҳам баҳсли. Чунки РСФСР халқи Ўзбекистонга қараганда қарийб саккиз баробар кўп. Украина эса бу ўринда иккинчи ўринда. Бошқа жумҳуриятларга таққослаганда бу кўрсаткич янада ошади. Шунинг учун бизнингча Президент сайлови ҳамма жумҳуриятларга маъқул бўладиган тенг ҳуқуқлилик тарзида ўтказилиши лозим.

Съездлар саройида «СССР Президенти» сайлови бўлаётган бир вақтда мамлакатимизнинг турли бурчакларида жуда муҳим воқеалар юз берди. Ниҳоят халқимиз ўз ери ва уйининг соҳиби бўладиган бўлди. «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги қонун ҳамда «СССР ва Иттифоқдош жумҳуриятларнинг ер тўғрисидаги Қонун асослари» матбуотда эълон қилинди. Кимдир ҳазилми ёки чин маънодами «ниҳоят бизда крепостной ҳуқуқ бекор қилинди» деди. Бу гапда жон бор.

РСФСР, Украина ва Белоруссия жумҳуриятлари ва маҳаллий советларига сайловлар бўлди. Уларда сайловлар бизнинг жумҳуриятимиздагига қараганда анча демократик асосда ошкора вазиятда ўтди. Ҳатто айрим округларда йигирматагача номзод кўрсатилди. Бизда эса кўп жойларда уялмай-нетмай битта номзод қўйилди...

Болтиқбўйи ва Кавказорти жумҳуриятларида ҳали биз эшитмаган ва тасаввуримизга ҳам сиғдиришимиз қийин бўлган воқеалар бўлиб ўтди. Литва Олий Советининг сессиясида Мурожаатнома қабул қилинди. Унда мустақил Литва давлати тикланганлиги маълум қилиниб, СССР тикланган мустақил Литва жумҳуриятини тан олади, деб умид билдирилди. Шунингдек, Литва Олий Совети тегишли қонунлар қабул қилиб, «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонуни, Литва ССРнинг ҳарбий мажбурият тўғрисидаги Қонунни бузганлик учун жавобгарликни белгилаб берувчи Жиноят кодексининг тегишли моддалари Литвада ўз кучини йўқотганлигини маълум қилди. Жумҳуриятнинг етакчи нашри «Советская Литва» рўзномаси ўз номини ўзгартди. У энди «Эхо Литва» деб аталадиган бўлди. Яқин кунлар ичида жумҳурият сарҳадларининг 37 жойида чегара назорат постлари ўрнатилади. Жумҳурият Олий Совети Президиуми аппарати, «Минтис» нашриёти, Эльта телеграф агентлиги жамоаларида партия ташкилотлари фаолияти тўхтатиб қўйилди.

Президент ҳақида яна жуда кўп ўйладим. Хаёлимга ҳар хил фикрлар келди. Мана энди мисоли бир оркестрнинг муносиб дирижёри топилди ҳам дейлик. Мусиқанинг қандай жаранглаши фақат унгагина эмас, балки ҳар бир созанданинг ҳам маҳоратига, жўр бўла олишига боғлиқ. Бунда бениҳоя маҳорат, тинимсиз меҳнат, барча учун жонкуярлик, интилиш керак. Шундагина дирижёр ўз мақсадига эришади. Бусиз эса мусиқа шинаванданинг қалбига етиб бора олмайди. Демоқчиманки, Президентимиз бор, энди ҳамма нарса тезда ҳал бўлади деб ўйловчилар бўлса хато қилади. Халқни эзгу мақсад, бахтли келажак учун йўналтира олиш лозим. Бу эса жуда масъулиятли вазифа. Чунки биз кўзлаган келажак яна саробга айланмаслиги керак.


МИНСК. Белоруссиядаги политехника институтида ногиронлар учун махсус тайёрлов бўлими очилди. Ушбу бўлимда Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан келган 15 йигит-қиз таълим олмоқда. Улар ярим йиллик тайёрлов курсини тугатгач, институтнинг машинасозлик иқтисоди факультетининг биринчи курсига қабул қилинадилар. Шифокорлар ҳам айнан шу ихтисос уларнинг саломатлигига тўғри келишини таъкидламоқдалар.

Тайёрлов курси тингловчилари жойлашган ётоқхонада қаҳвахона, ошхона, соғлиқни сақлаш нуқталари жойлашган. Уларнинг ўқишлари ҳам ана шу ётоқхоналардан жой олган аудиторияларда ўтилади.

СУРАТДА: ногирон талабалар бўш вақтларида. ТАСС сурати.



ХОРИЖДА



Файзи ШОҲИСМОИЛ,
халқаро шарҳловчи

Ўзгаришлар шамоли

БУГУНГИ КУНДА давримизнинг энг муҳим белгиси — ўзгариш бўлиб қолди. Қаёққа қараманг, қайси минтақадан хабар олманг — ўзгариш. Ҳамма ерда шиддатли ўзгаришлар кетяпти. Совет Иттифоқида ҳам, шарқий Европа мамлакатларида ҳам ўзгариш, янгиланиш бошланди. Ўзгаришнинг учқур шамоли Жанубий Африка соҳилларигача, ҳатто олис Америка қитъасининг жанубий чеккасигача етиб борди.

Ҳадемай мустамлакачиликнинг сўнгги қўрғони — жафокаш Намибияда эрк байроғи ҳилпирай бошлайди. Африка жанубидаги бу мамлакат эрта-индин мустақил давлат деб эълон қилинади. Олис Чилидан хушхабар келди. Ўн етти йиллик ҳарбий диктатор Пиночет зулмати барҳам топди. Демократик Чили билан Совет Иттифоқи ўртасида дипломатик алоқалар яна тикланди. Шуниси қувончлики, бундай алоқалар Совет Иттифоқи билан Фаластин ўртасида ҳам вужудга келди.

Ҳа, дунё харитасида янги бир давлат пайдо бўлмоқда. Қирқ икки йил давом этган курашлардан сўнг Фаластин давлати ўз қаддини тиклай бошлади. Бугунги кунда Фаластин давлатини таниган ва у билан дипломатик муносабатлар ўрнатган мамлакатлар сони ортиб бормоқда.

Лекин Фаластиннинг давлат сифатида шаклланишига қарши бўлган, фаластинлик араб халқларининг инсоний ҳуқуқларини тан олишни истамаётган кучлар ҳам бор. Бу кучлар Исроилнинг ҳукмрон доираларидир. Улар неча йилдирки Фаластин ерларини босиб олиб, унинг халқини қон қақшатмоқдалар. Босиб олинган ерлардан фаластинлик арабларни ҳайдаб чиқариб, у ерларда Исроил манзилгоҳларини вужудга келтирмоқдалар. Бундай манзилгоҳларга Европа мамлакатларидан, айниқса Совет Иттифоқидан кўчиб келган яҳудийларни жойлаштирмоқдалар.

Табиийки, бундай зўравонлик сиёсати ўз еридан маҳрум бўлган фаластинлик қочоқларни, қолаверса бутун араб дунёси халқларини дарғазаб қилмоқда. Мана, бир неча йилдирки босиб олинган араб ерларида Исроил зўравонлигига қарши интифода — халқ исёни давом этмоқда. Жаҳон халқлари Исроилдан фаластинликларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тан олишни талаб қилмоқдалар.

Хўш, бутун дунёда катта ўзгаришлар бўляпти, ана шу ўзгаришлар шамоли Яқин Шарқ мамлакатларига, айниқса Исроилга етиб келмаяптими, дерсиз. Етиб келганда қандоқ! Фикримнинг далили сифатида Исроилда сўнгги пайтларда юз берган воқеаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Халқаро воқеаларни кузатиб борган муштарийларимизнинг Исроилда ҳукумат танглиги юз берганидан хабарлари, бор, албатта. Бу танглик ўз-ўзидан юз бергани йўқ. Айнан ер юзида бўлаётган ўзгаришлар таъсирида юз берди. Яъни бир неча партиялар вакилларидан ташкил топган коалицион ҳукумат инқирозга учради. Ҳолбуки, бу ҳукумат атиги тўққиз ой бурунгина тузилган эди.

Исроил ҳукуматида танглик келиб чиқишига сабаб айнан Фаластин масаласи бўлди. Худди шу масалада коалициядаги «Ликуд» блоки билан Меҳнат партияси вакиллари ўртасида ихтилоф чиқди. Февраль ойининг охирларида Меҳнат партияси шундай шарт қўйди: икки ҳафта мобайнида «Ликуд» блоки раҳбари, яъни Исроил бош министри Ицхак Шамир «Америка плани»га ижобий жавоб бермаса, Меҳнат партияси вакиллари ҳукумат таркибидан чиқадилар. Унда Исроил ҳукумати инқирозга учраши турган гап. Шу шарт қўйилгандан кейин ҳукуматда кескин мунозаралар бошланди. Ҳукмрон коалициядаги партиялар раҳбарлари қайта-қайта кенгашга тўпландилар. Лекин келиша олмадилар. Танглик кучая борди.

Шу ўринда тангликка сабаб бўлган ўша «Америка плани» нима? — деган савол туғилиши табиий. Аввало шуни айтиш кераки, мунозаралар худди шу «Америка плани»га тааллуқлидир. Бундан бир йил муқаддам Америка Қўшма Штатлари давлат секретари Д. Бейкер шу планни олға сурган эди. Бу план босиб олинган араб ерларида сайловлар ўтказишни назарда тутади. Ана шу сайловларда фаластинлик вакиллар Исроил маъмурлари билан босиб олинган ерлар келажаги ҳақида музокараларда қатнашиши мўлжалланмоқда. Аммо шундай сайловларни ўтказиш учун олдиндан Фаластин — Исроил музокаралари бўлиши шарт. Худди шу музокараларда бўлажак сайловлар шарти белгиланиши керак. «Америка плани» худди шундай мақсадни кўзлайди.

Ҳозир Фаластин — Исроил мулоқотини бошлашнинг ўзи муаммо бўлиб турибди. Чунки бош министр И. Шамир ва унинг «Ликуд» блокидаги тарафдорлари мулоқотни бошлашга рози бўлсалар-да, шундай шартлар қўймоқдаларки, бу учрашув ғоясини чиппакка чиқаришни кўзлайди, холос. Жумладан учрашувда Шарқий Қуддуснинг фаластинлик вакиллари қатнашмасликлари керакмиш. Чунки «Қуддус — Исроилнинг ягона ва мангу маркази» эмиш. Шимон Перес бошлиқ Меҳнат партияси эса бу шартга қарши чиқмоқда. «Ликуд» блокининг яна бир шарти — музокарада Фаластин Озодлик Ташкилоти вакили қатнашмаслиги керак. Меҳнат партияси вакиллари бу шартга ҳам қарши. Шунинг учун ҳам улар юқоридаги шартлар қўйиладиган бўлса ва «Америка плани»га ижобий жавоб берилмаса коалициядан чиқамиз, деб ҳукумат танглигини вужудга келтирдилар.

Шу тариқа Исроилда коалицион ҳукумат инқирозга учради. Куни кеча бош министр — «Ликуд» уюшмасининг етакчиси Ицхак Шамир мамлакат молия министри, айни бир вақтда Меҳнат партияси раиси Шимон Перес лавозимидан бўшатилганлигини эълон қилганидан кейин шу партиядан ҳукумат аъзоси бўлган бошқа министрлар ҳам истеъфога чиққанликларини маълум қилдилар.

Энди Исроилда тузиладиган янги ҳукумат — хоҳ у турли партияларнинг қайта келишувидан, хоҳ парламентга янги сайловлар ўтказишдан вужудга келсин, Фаластин муаммоси кўндаланг бўлиб тураверади. Фаластинлик арабларнинг қонуний ҳуқуқларини тан олмай туриб, Фаластин Озодлик Ташкилоти вакиллари билан бақамти музокаралар олиб бормай туриб Яқин Шарқ муаммосини ҳал этиб бўлмайди. Бу муаммо мазкур минтақада барқарор тинчликни таъминлаш йўлидаги асосий ғовдир. Исроил ҳукмрон доираларида янгича фикрлашнинг пайдо бўлгани ўзгаришлар шамолининг у ерга ҳам етиб борганидан дарак бермоқда. Демак Яқин Шарқдаги хунрезлик ва беқарорликнинг барҳам топишига умид қилишга ҳақлимиз.

Пировардида дунёда катта акс-садо берган яна бир муҳим воқеа хусусида тўхтаб ўтмоқчи эдим. 15 март куни Улан Баторда ўз ишини тугатган Монголия Халқ Революцион партиясининг VIII пленуми Сиёсий бюро ва секретариатнинг тўлиқ истеъфосини қабул қилди. 60 ёшли Г. Очирбат МХРП Марказий Қўмитасининг Бош котиби этиб сайланди. 10 апрелда МХРПнинг фавқулодда съездини ўтказишга қарор қилинди. Бу воқеа Монголия чуқур инқилобий ўзгаришлар арафасида турганлигидан гувоҳлик беради.

ГДР. Вильгельм Пик номидаги Росток дорилфунуни Шарқий Европадаги кекса илм даргоҳларидан ҳисобланади. У Лейпциг дорилфунунидан сўнг иккинчи ўринда туради, 1419 йили ташкил этилган. Бу ерда 1950 йилдан бошлаб, техника фанларини ҳам ўргана бошладилар. Дорилфунуннинг кундузги бўлимларида 7000 талаба таҳсил олаяпти.

СУРАТДА: дорилфунуннинг бош корпуси.

АДН—ТАСС суратга олган.



Маълумотда шундай дейилган: миллий даромаднинг материал «ейиши» — 1,5, металл — 3,1; электр энергияси «ейиши» — 2,5 фоизга камайган. Хулоса: «Экстенсив ривожланиш йўлидан интенсив ривожланиш йўлига ўтиш жараёни давом этди». Бундай шароитда хом ашё тармоқларига капитал маблағ ажратишнинг кўпайганлигини фақат режашуносларнинг тентаклиги билан изоҳлаш мумкин. Негаки бизнинг ҳисоб-китобимизга кўра ўтган йили миллий даромад ўсмаган, хом ашё ишлаб чиқариш эса аслида анча кўпайган, яъни биз пировард маҳсулот учун илгари қанча хом ашё сарфлаган бўлсак бу ҳол кўпайган бўлса кўпайганки, аммо камаймаган. Демак халқ хўжалиги экстенсив йўлдан ривожланаверган. Иқтисодиёт боши берк кўчага кириб қолган: увол бўлган хом ашёнинг ўрни янада кўпроқ хом ашё ишлаб чиқариш билан қопланган.

Давлат ҳисоб қўмитаси мутахассислари куйиб-пишиб бизни рад этишлари мумкин, бироқ рақамларни эмас, ёнилғини ёқаётганликлари учун ҳар қандай ажойиб ғоя ва ишонарли рапортга қарамай уни қазиб олишни кўпайтиришга мажбурлар. 1988 йилда ёнилғи бўйича режа нақд 39 миллион тоннага ошириб бажарилган. Янглишмасам бу, албатта, қоғоз пулларни ишлаб чиқаришни ҳисобга олмаганда, гуллаб яшнаётган якка-ю ягона тармоқ. Талаб эса ошиб бормоқда. Ҳозир беш йиллик топшириқларига қўшимча яна 44 миллион тонна ёнилғи қазиб олиш мўлжалланган. Бундай ошириб бажаришга дастлабки лойиҳа бўйича икки йил ичида эришиш кўзда тутилганди. «Ва биз ишонамизки, —деди дадил Давлат режа қўмитасининг раиси Ю. Маслюков, — ғоят қийин бўлган бу вазифани ёнилғи-энергетика комплекси бажаради». (Бу ўринда шуни айтиш керакки, «ишонамиз» дея катта кетмасдан, жим турган маъқулроқ эди. Чунки Ю. Маслюков ўша нутқида ижтимоий ишлаб чиқаришда сезиларли силжиш бўлди, деб мақтанганди. Ўз-ўзидан савол туғилади: у ҳолда ёнилғини кўпайтиришнинг нима кераги бор?).

Шуниси аниқки, ушбу ҳаракатномани бажариш учун улкан капитал маблағ керак. Хом ашё комплекси — ўпқоннинг ўзгинаси, у халқ хўжалигидаги бутун инвестиция ресурсини ютиб юбориши ҳеч гап эмас. Мамлакатнинг умумий даромади фақат ҳисобчиларнинг ҳаёлотида ошаётган экан, хом ашё комплекси учун қўшимча маблағни иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини, шу жумладан истеъмол шўъбасини ҳам қақшатибгина топиш мумкин.

Менга кесатишлари мумкин: инсон омили тўғрисида сафсата сотиш бошқа-ю, реал инвестиция сиёсати бошқа эканда, деб. Аммо қўлимни кўксимга қўйиб шуни айтаманки, катта бошлиқларни қулоққа лағмон осишяпти, деб айблай олмайман. Йўқ, улар чин дилдан яхшилик бўлишини исташади. Бироқ бизнинг иқтисодиётимиз олтмиш йил муқаддам шундай изга солинганки, у ҳануз бу издан чиқолмай судралиб бормоқда. Унинг атрофида режашунослар гирдикапалак бўлиб, куйиб-пишиб янги йўлларни белгилашмоқда, аммо бефойда!

Агарда биз ҳаётдан бирор бир нарсани ўрганишга қодир бўлсак, қайта қуришнинг дастлабки тўрт йилидан келиб чиқадиган хулоса қуйидагича бўлади: режали бошқариш системасининг умри тугади. У ҳатто ишлаб чиқаришни сон жиҳатдан ҳам оширишга қодир эмас, ваҳоланки бу нисбатан оддий масала. Ялпи миллий даромад бўйича жаҳонда биз нари борса еттинчи ўриндамиз. АҚШ, Япония, ГФР, Франция, Англия ва Италия биздан ўзиб кетишган. Орқамиздан эса Испания ва Канаданинг «нафасини» туйяпмиз. 1913 йилда дунёда бешинчи ўринда турган бўлсак, режали системага берган қурбонларимиз эвазига еттинчи ўринга тушиб қолдик. Турмуш даражаси (яъни истеъмолчилик хуржунига кўра) бўйича эса жаҳонда қирқ бешинчи-эллигинчи ўринлардамиз. Шундай бўлса-да режали система халқ хўжалиги тузилишидаги ўзгаришларни амалга оширишга, интенсив ривожланишга ўтишга, пул ва маҳсулотнинг мувофиқлигини, етарли турмуш даражасини таъминлашга қодир дейишади. Амалда эса бир нарсани режалаштирамиз-у, бутунлай бошқа нарсага эришамиз. Фақат ратификация қилинган режалар амалга ошмоқда, ҳалокатли йўналишдаги иқтисодий жараёнлар маъқулланмоқда. Бу бошқарувчилик саробидир — воқеалар режасиз ҳам ўша томонга қараб кетган бўларди.

Шунинг учун ҳам ҳар қандай яхши режани рағбатлантириш (стимулировать, стимулирование) дан фойда йўқ. Рақамлар бўйича муваффақиятга эришиш мумкиндир. Бироқ ҳар сафар чуқурроқ таҳлил қилсангиз аксини кўрасиз. «Стимулирование» сўзининг ўзидан ҳам кўп нарсани англаш мумкин. Стимул — грекча таёқ дегани, қадимги греклар бу таёқ билан ҳўкизни ҳайдашган. Юқорида кимдир жимгина туриб йўл танлайди, кейин қамчи ёки ширинлик билан иқтисодиётнинг тортиш кучи, яъни хизматчини рағбатлантиради, деб кутишмоқда. Ҳозирги кунда иқтисодий бошқарувни кўпчилик кимки кўрсатмаларга қатъий амал қилса ўшанга кўпроқ тўлаш керак, деб тушунмоқда. Бу мутлақо нотўғри йўл. Аслида бу буйруқ билан бошқаришни кучайтиришдан бошқа нарса эмас. Бошқача қилиб айтганда, уруш йилларида бўлганидек режани штурм қилаётган жангчиларни наркомароғи билан сийлаш.

Иқтисодиёт бозорга асосланган бўлсагина халқ хўжалиги бир маромда ривожланиши, унинг тармоқлари ўртасидаги «муносабат» рисоладагидек бўлиши мумкин. Бу йўлдаги дастлабки қадам сифатида юқоридан туриб режалаштиришга барҳам берилса, вазият ўша заҳоти соғломлаша бошларди. Машинага талаб йўқми — уни ишлаб чиқариш ўз-ўзидан тўхтарди, жамият самарасиз меҳнатга ҳақ тўлашдан қутуларди, металл, ёнилғи, электр энергиясини тежарди. Сув хўжалиги министрлиги йилига 12 мил-

10

лиард сўм сарфлайди. Икки миллион киши амалда она еримизни, бизни боқаётган заминни расвою-раддибало қилаётгани учун тирикчилик қилишмоқда. Таъқиқларнинг кераги йўқ! Агарда ўз ҳисобидан ҳақ тўлайдиган буюртмачини топса қора ишини давом эттираверсин. Ана шундай тартиб ўрнатилганида эди юзлаб, миллиард аҳмоқона лойиҳалар барҳам топарди. Яна қайтараман: бу масала ғоят жиддий — ўнлаб миллион одамлар маълум муддатга маошсиз қолишади. Бироқ унда маҳсулот эмас пул камёб бўларди. Бу эса молияни соғломлаштиришнинг асосий шартидир.

Илмий тил билан айтганда мамлакатга дефляцион талваса (дефляция — инфляция тушунчасига қарама-қарши тушунча) зарур. Албатта бундай қарорга келиш қийин. Буйруқбозлик системаси ижтимоий мешчанни тарбиялади. Биринчи беш йилликдан бошлаб маош фонди ва ўртача маошни режалаштириш бошланган. Бу давлатга ишлаб чиқарилган миллий даромадда маошнинг ҳиссасини камайтирувчи восита бўлиб хизмат қилди. Хизматчи ўз даромадини ошириш имконига эга эмасди, айни пайтда хазина унча ишга келмаган яхши бўлган одамларнинг очдан ўлишига ҳам йўл қўймасди. Ушандан сўнг хазина бизни боқиши керак, деган тушунча жисмимизга ва қонимизга сингиб кетди: керакли ёки ортиқча маҳсулот ишлаб чиқараманми, сифатли ёки яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқараманми — барибир, сен мени маош билан таъминла, акс ҳолда, ижтимоий муҳофаза қилинмасам бу қанақа социализм бўлди? Бундай қоидадан чекиниш ҳокимият кўпчиликка қарши боради, ҳокимиятнинг ўз буйруғи билан керак бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқаришга мажбур қилинган жамоалар томо-

Василий СЕЛЮНИН

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОРА ТУЙНУКЛАРИ

нидан ташкил этилган ишлаб чиқариш жараёнига қарши боради дегандир. Бундай қарама-қаршилик хавфли. Ундан кўра босма дастгоҳни ишга тушириб, пулга бўлган талабни қондириш осонроқ. Ҳар бир киши учун эса маошнинг ошиши бу қуруқ гап эмас. Шунинг учун ҳам эмиссия туфайли даромад қилаётганларнинг ҳаммасидаги пулнинг харид қувватини камайтирган ҳолда айрим жамоаларнинг норозилигини сўндиришга эришилади. Қоплаб навбатдаги сохта пулни чиқарган хазинабонлар эса ҳар бир сўмдан — жамғармадагидан ҳам, маошдагидан ҳам ўз ҳиссасини уриб қолади. Фойда кўраётган икки юз миллион киши бошига тушган фалокат айрим олинган жамоаникига қараганда у қадар сезиларли бўлмайди. Бироқ 1988 йилнинг бешинчи ойида бошланган бетартиб эмиссия бир йил ичидаёқ истеъмол бозорини вайрон қилди ва бу ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Ўзингиз ҳисоблаб кўринг. Ўтган йили тўрт ойда аҳолининг даромади 20 миллиардга кўпайди. Шунча пулни қайтариш учун савдога икки миллион енгил автомобиль чиқариш керак. Шунча автомобилни ВАЗга ўхшаган учта завод бир йил давомида ишлаб чиқара олади, холос. Ҳар беш йилда биттадан ВАЗ қурганимизда ҳам аҳолига тўрт ойда тарқатилган пулни маҳсулот билан таъминлаш учун ўн беш йиллик ўтади. Тахмин қилинаётган йиллик даромадни қоплаш учун эса автомобиль ишлаб чиқаришда деярли Америка билан тенглашишимиз керак. Хўш бундай мўъжизага ким ҳам ишонади?

Режали системада муаммонинг ечими йўқ. Халқ депутатларининг биринчи Съездида биз, иқтисодчиларга; йиллар давомида ғояларини ичларига сақлаб бозорга асосланган хўжаликка қайтишдан бошқа йўлни топишолмади, деб дашном беришди. Бироқ иқтисодчи кимнингдир манфаати учун жамиятни тинчлантириш, образли қилиб айтганда сил билан оғриган кишига енгил тумов бўлди, дея диагноз қўймаслиги лозим. Унинг вазифаси иқтисодиёт қандай касалга учраганини аниқ белгилаш ва уни «даволаш» йўлини кўрсатишдан иборат. Ҳа, пулнинг тақчиллиги, дефляция талвасаси, хизматчиларни хазина ҳисобидан боқишдан воз кечиш ғоят аччиқ дори, аммо бундан бошқаси бўлмагандан кейин нима ҳам қилардик.

Мен умумий схема тўғрисида гапиряпман. Ҳозирча корхоналар энди-энди эҳтиёжга қараб мослашаётган экан, маҳсулот ишлаб чиқармаётган одамларга ҳам маош беришга тўғри келади. Давлат хўжаликни изга солишдан четда

11

тургани йўқ, аксинча, бутун дунёда бўлгани сингари иқтисодиётни керакли йўналишга буришга уринмоқда. Лекин мажбурий режа ва бозор ҳеч қачон бақамти бўлолмайди. Ана шу ҳақиқатни англаб етмагунимизча, ундан амалий хулоса чиқармагунимизча хўжаликдаги қайта қуришни бошлай олмаймиз.

Тўрт йиллик муваффақиятсизлик икки ишни бир йўла: ҳам режани уддалашни, ҳам иқтисодий ислоҳот ўтказишни амалга ошириб бўлмаслигини исботлади. Сиёсий бюро аъзоси А. Н. Яковлев айтганидек: «беш йиллик режа — бу тўхтатиш механизмининг асосидир. Қайта қуришнинг ақлли душманлари худди ана шу заминга суянмоқдалар». Бироқ ҳамма гап шундаки, ушбу асосни яратганлар қайта қуриш ташаббускорларининг ўзларидир. Уларнинг буйруғи билан 1986—1990 йилларга бажариб бўлмайдиган режа белгиланди. Иқтисодиётнинг қурби ҳатто хазина томонидан моддий таъминланган лойиҳаларни амалга оширишга ҳам етмади. Худди шу пайтда тўсатдан ҳукумат яна бир тўсиқни олиб ташлади — қайта қуриш доирасида корхоналарнинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши эълон қилинди. Ишлаб чиқарувчи корхоналар эса чакана нарҳларни пуфлаш эвазига ўз фондларидаги жамғармаларини оширишди. Бу пуллар эса ўз навбатида сохта пуллар истеъмол бозорини қандай яксон қилган бўлса, чакана бозорни ҳам шундай яксон қилди.

Щедрин асаридаги шаҳар бошлиғи қандай бўлмасин бошқалардан ажралиб туриш мақсадида ҳамма овқатга тюрбо балиғини қўшдирган экан. Давлат ҳам унга ўхшаб режали «овқатлар»га ўз-ўзини маблағ билан таъминлашни қўшди. Оқибатда на режа, на завод ҳаракатномаси бажарилди. 1988 йилда заводлар ҳисобида фойдаланилмаган 11 миллиард сўм қолган эди. Бу пуллар цемент, ғишт, буюмларга, ускуналарга айланмади.

Таҳлил бизни яна: иқтисодиётдаги инқироз уни қайта қуришга киришганимиз туфайли эмас, аксинча ислоҳотни бошламаганимиз учун юз берди, деган хулосага олиб келди. Бу эса яна бир бор режали системанинг нақадар аянчли аҳволда эканлигини ва истиқболсизлигини исботлади.

VI

Мағлубият ва ўпирилишлар хавфли эмас, зеро бундан ҳеч ким кафолатланган эмас. Хатолардан хулоса чиқара олмаслик ёки истамаслик, фикрлашдаги ожизлик хавфлидир. Турғунлик даврининг энг ёмон анъаналари руҳида тайёрланган ўн иккинчи беш йиллик режаларининг амалга ошмаслиги иқтисодчилар учун ҳали у бошланмасданоқ маълум эди. Шундай бўлсада хўжаликдаги ислоҳотни бўғувчи режадан воз кечилмади. Устига устак аччиқ тажрибадан мутлақо тескари хулоса чиқарилди: молияни соғломлаштириш борасида кўрилган чоралар биринчи навбатда режалаштиришни кескинлаштириш, режа интизомини кучайтиришни кўзда тутганди. Беш йилликнинг дастлабки уч йилида чакана нархларнинг ҳар қанча оширилишига қарамай истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш режадагидан 40 милллард сўмлик кам тайёрланган, келгусида эса топшириқни кескин камайтириш кўзда тутилган. Ўтган йиллар давомида еб бўлмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йилига ўрта ҳисобда 10 миллиард сўмга ортиб борди. 1990 йилда эса бу кўрсаткич 45 — 50 миллиард сўмни ташкил этиши керак. Ўз-ўзидан савол туғилади: шундай режани амалга ошириб бўладими? Нима учун бўлмас экан? Мана, қўлимда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Гусев ҳузурида ўтган мажлис ҳисоботи. «Майдон»га нозирлар чақирилган — уларнинг тармоқлари 1990 йилда қанча маҳсулот бериши ҳал этилмоқда. Минерал ўғитлар министрлиги резервларни сафарбар этиб, истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ҳозирги 600 миллион сўмдан 665 миллионга етказишга тайёр. Министр Н. Ольшанский бу рақамларни виқор билан айтиб, мақтов кутади — негаки бундай маҳсулот унинг тармоғи учун «бегона»да, ваҳоланки ўсишни қаранг, қанақа! Аммо мажлисни олиб борувчи мақташга шошилмайди: «Балки яхшилаб ўйлаб кўриб, излаб етти юзга етказарсизлар?» Министр елка қисиб, хўрсиниб рози бўлади: 700 бўлса 700 да. Нима бўпти? Бажаради.


Ихтирочи тўғрисида латифанома бир гап юради. Бир куни у фермага бориб ихтироси борлигини, агарда уни қўллашса сигирлардан кунига бир челак эмас, бир ярим челакдан сут олиш мумкинлигини айтган. Шунда ундан сўрашибди: икки челак қилиб бўлмайдими? «Йўқ, — дебди муаллиф. — У ҳолда сут эмас, сув соғасиз». Биз юқорида баён қилган ҳолда эса «сув» нархнинг кўтарилиши бўлади. Ахир тортишув миллионлаб сўмлар билан ўлчанувчи ўсиш тўғрисида борди. Ишлаб чиқаришни ва нақд маҳсулот сотишни камайтириб ҳам ўсишга қандай эришишларини эса биз яхши биламиз. Оддий ҳисоб-китоб ҳам шуни кўрсатдики нархни ошириш ҳисобига 1989 йилда истеъмол буюмлари режаси бажарилган тақдирда ҳам истеъмол бозорини соғломлаштириб бўлмайди, чунки пул даромади маҳсулот айрбошлашга қараганда жадал ошмоқда.

1989 йил режасига бошқа бажариб бўлмайдиган вазифалар ҳам юкланган. Машинасозликка бюджетдан маблағ ажратиш 1,3 баробар кўпаяди. Саноатнинг келажакда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўл бўлганда уларни сақлайдиган, қайта ишлайдиган тармоғини такомиллаштириш бўйича тузилган улкан ҳаракатномага маблағ ажратиш давом этмоқда. Ҳаракатноманинг умумий нархи — 77 миллиард сўм. Бу қарийб бешта БАМ деганидир.

(Бошн ўтган сонларда).

(Давоми бор.)

12



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ. Бу ерда ҳам нафақа оладиган қарияларга ғамхўрлик кўрсатиш ниятида қаровчиси йўқ, ёлғиз кишилар учун иккита бепул ошхона очилди. Ойига ўттиз сўмлик овқат учун бепул талон бериладиган 400 киши ҳисобга олинган.

Шунингдек, вилоят марказида кўп болали оилаларни рўзғорда энг зарур нарсалар билан таъминловчи махсус магазин очилди. Агар Наманганда 600 нафарга яқин «қаҳрамон она»лар яшашини айтсак бу ишнинг нақадар муҳимлиги аён бўлади.

Суратда: қаровчиси йўқ қариялар учун ошхонада бош ошпаз Шарифжон Мамадалиев овқат тайёрламоқда.

А. КОВТУН (ЎзТАГ).

Ҳақиқат букилмайди

Яқинда дорилфунунимиз мажлислар залида шаҳримизнинг илғор зиёлилари — олий ўқув юртлари, ўрта махсус билим юртлари, халқ таълими ходимлари вакиллари ва талабалар билан Назир Ражабов учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувни Самарқанд вилояти фирқа қўмитасининг саркотиби Пўлат Абдураҳмонов давлат тилида қисқача кириш нутқи билан очди. У Назир Ражабов шаънига илиқ сўзлар айтди. Чунки бу инсон ана шунга ҳар жиҳатдан лойиқдир. Сўнгра Назир Ражабовга сўз берилди. У залда ўтирганларга ва улар орқали вилоятнинг барча меҳнаткашларига ўзининг миннатдорчилигини изҳор этди, яқинлашиб келаётган Наврўз байрами билан сидқидилдан табриклади.

— Мен, — деди Назир Ражабов, — вилоят фирқа қўмитасининг саркотиби бўлиб ишлаган қисқа муддатда ҳам, менга ноҳақ ҳужум бўлган ва бўҳтон тошлари отилган қора кунларда ҳам самарқандликлар самимий муносабатда бўлдилар. Улар барча имкониятлари ва бутун вужудлари билан менга ёрдамлашишга ҳаракат қилдилар. Мен буни ҳеч қачон унутмайман. Мен самарқандликлардан бир умрга қарздорман.

Қадрдон меҳмонимиз ўзи билан юз берган ноҳақ ишлар тафсилотлари ҳақида сўзлаб берди. Ҳар қандай алдаш, адолатсизлик ва туҳматлар ҳақиқий халқ ғамхўри бўлган заҳматкаш раҳбарнинг иродасини бука олмаган. Бўҳтон тоши ёғилишида Гдлян ва Ивановлар билан бир қаторда жумҳурият айрим раҳбарларининг ҳам қўли бўлган.

Биз Назир Ражабовни халқ ғамхўри эканлигини яхши биламиз. Вилоятимиз шаҳарлари ва қишлоқларимизни ободонлаштириш, ҳар бир соҳада тартиб ўрнатиш, адолатни қайта тиклаш, ҳар бир киши ўз ишини бажаришига даъват этиш, саноат маҳсулотларини сифатли ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигини сертармоқ ва серунум соҳага айлантиришга қатъий бел боғлаган эди. У ҳамиша халқ орасида бўлганлиги, уларнинг дардларига шерик ва долзарб масалаларни ҳал этиш учун жонкуярлик қилганлигининг жонли гувоҳларимиз.

Йиғилиш қатнашчилари Назир Ражабовга бир қанча саволлар билан мурожаат қилишди ва тўлақонли жавоб олдилар. Бу Самарқанд шаҳри ва вилоятимизнинг келажак тараққиёти, Жомий, Навоий ва Улуғбек каби мутафаккирларнинг қадамжоларини қайта тиклаш, таъмирлаш, демократияни ҳаётга тадбиқ этиш, халқ меҳнатидан олинаётган даромадларнинг аниқ бир қисмини шаҳарни ободонлаштиришга сарфлашга эришиш сингари долзарб масалалар билан боғлиқ эди.

Дорилфунун проректори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Душан Файзиев, кафедра мудири профессор Фотима Ҳайдарова, фалсафа кафедрасининг доценти Исоқ Неъматов ва бошқалар ўз сўзларида ҳақиқат қачон бўлса-да рўёбга чиқишига шу учрашув гувоҳлик бериб турганлигини таъкидладилар.

Назар РАЖАБОВ,
«Самарқанд университети» рўзномасининг муҳаррири, профессор.

Нашриётга янги ном

Жумҳуриятимизда болалар ва ўсмирлар учун китоблар чиқаришга мўлжалланган «Юлдузча» нашриёти очилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ бугунги кунда ушбу навқирон нашриёт чиқараётган сермазмун ва сифатли китоблар кенг китобхонлар оммасига таниш ва севимли бўлишга улгурди.

Кўп сонли китобсеварларнинг, кенг жамоатчиликнинг таклиф ва мулоҳазалари ҳисобга олинган ҳолда «Юлдузча» нашриёти бундан буён «Чўлпон» деб юритиладиган бўлди. Ўйлаймизки, нашриётлар каҳкашонида «Чўлпон» ўзига хос ёғдуси билан ажралиб туради.

ХОНАДОНЛАРДАГИ БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ

ШУМАНАЙ ноҳиясида ишламайдиган аёлларни ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд этишнинг яна бир имконияти рўёбга чиқарила бошланди. Бу ерда оила типидаги дастлабки иккита болалар боғчаси очилди. Педагоглардан А. Утегенова ва З. Бекбосинова қўшни оилаларда яшаётган ўнтадан болани тарбиялашга олдилар. Оила типидаги болалар боғчалари шу яқин атрофдаги болалар мактабгача тарбия муассасаларининг ўзига хос филиалларига айланди.

— Биз ҳар бир тарбиячи учун бир йилга 1800 сўм маош ажратдик, — дейди ноҳия халқ таълими бўлимининг мудири А. Қошқоров. — Болалар боғчаларининг коллективлари ўз «оилавий» филиалларини озиқ-овқат ва чойшаблар, ёстиқ жилдлари билан таъминлаб, уларга методик ёрдам беришмоқда. Бизда болалар мактабгача тарбия муассасаларида жой етишмай турган ҳозирги пайтда бундай филиалларнинг очилиши муаммонинг ўткирлигини бирмунча юмшатувчи яхши мадад бўлди. Албатта бу ҳозирги аҳволдан бутунлай қутқарадиган восита эмас, лекин бундай кичик группаларда тарбиявий ишларни олиб бориш анча енгил бўлишини, болалар касалликларга камроқ чалинишини ҳам ҳисобга олиш зарур.

ТВ

21 МАРТ — ЧОРШАНБА
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ БИРИНЧИ МАРТА БАҲОР БАЙРАМИ — НАВРЎЗГА БАҒИШЛАНГАН УЗЛУКСИЗ ДАВОМ ЭТАДИГАН КЎРСАТУВЛАР НАМОЙИШ ЭТАДИ

● ЎзТВ I
ПРОГРАММА СОАТ 10.00 ДА БОШЛАНАДИ.

Азал-азалдан ҳаётимиздаги энг қадрли байрамлардан бири, баҳор байрами — Наврўз бўлиб келган.

Бу йилги Наврўз байрами яратувчилик, дўстлик, байналмилаллик, меҳр ва оқибат, адолат байрами бўлиб қолади.

Узлуксиз кўрсатув давомида жумҳуриятимиз меҳнат коллективларининг вакиллари, ижодий ва жамоатчилик ташкилотларининг, маданият марказларининг вакиллари иштирок этадилар, Ўрта Осиё регионидаги қардош жумҳуриятлардан ва хорижий давлатлардаги дўстларимиздан табриклар янграйди.

Сиз жумҳуриятимиз санъат усталари иштирокидаги хайрия концертини, фольклор ансамблларининг чиқишини, «Қиз қувиш» халқ спорт ўйинидан лавҳалар, болалар бадиий ва этнографик коллективлари ижросида куй ва қўшиқлар тинглашингиз мумкин.

20.30 «Ахборот» (ўзбек ва рус тилларида). 21.05 Наврўзга бағишланган узлуксиз телекўрсатувнинг давоми. 21.30 Москва. «Вақт». 22.05 Наврўзга бағишланган узлуксиз телекўрсатувнинг давоми. Тунги программадан мақомлардан парчалар, оммавий кинокомедия ва ҳинд бадиий фильмларидан тузилган киноконцерт, хизмат кўрсатган «Ялла» вокал-чолғу ансамблининг концертлари ўрин олган. Фарғона вилояти мусиқий драма театрининг «Темир хотин» спектаклини томоша қилишингиз мумкин.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Ойнинг орқа томони». Мультфильм. 9.15 «Гуделка». Белоруссиядаги Соковшчина хутори аҳолиси ҳақида ҳужжатли фильм. 9.40 П. И. Чайковский. «Алмазы Якутии» болалар ансамбли ижросида «Щелкунчик» балетидан дивертисмент. 10.10 «Дарахтзорда». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.25 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VII Халқаро фестивали. «Покистон вилоятлари бўйлаб мусиқий саёҳат». 12.00 «Дунё бўйлаб». Альманах. 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 13.30 «Кўклам келаяпти, кўклам марҳабо..». Киноконцерт. 14.15 Хорижий рус маданияти. «Париж, княгиня Зинаида Алексеевна Шаховская ҳузурида».

* * *

16.15 «Сиз бунга қодирсиз». 17.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.00 «Виндхукка қайтиш». Намибия ҳақида телевизион фильм премьераси. Муаллиф — В. Лобаченко. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 Долзарб интервью. 19.40 Камер концерти. Киевдан кўрсатилади. 20.00 «Дарахтзорда». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. Премьера. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. 1/4 финал. «Днепр» — «Бенфика» (Португалия). Днепропетровскдан олиб кўрсатилади. 24.00 Сиёсий мулоқотлар. «Эстонияда нималар содир бўлаяпти?». 01.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Ҳамма нарсани билишни хоҳлайман!». Киножурнал. 154 ва 160-сонлари. 9.35, 10.35 Физика, 9-синф. Тебранишлар. Тўлқинлар. Товуш. 10.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Физика. 7-синф. Энергия ва иш. 12.05 Илмий оммабоп фильмлар.

13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Бонивур қалби». 2-серия. 14.10 Футбол. СССР кубоги. 1/4 финал. «Динамо» (Минск) — «Динамо» (Москва). Минскдан кўрсатилади. 15.50 «Кўҳна Псков жилолари».

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 03170. Д. — 23200.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.